

Неъматулла Элмуродов

НИСБАТ КАТЕГОРИЯСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Неъматулла Элмуродов

НИСБАТ КАТЕГОРИЯСИ

Самарканд - 2016

Н.Элмуродов. Нисбат категорияси. Монография. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2016. - 104 бет.

Монография бакалаврият ва магистратура таълими йўналишидаги талабаларга мўлжалланган бўлиб, унда нисбатнинг “Тилнинг грамматик қурилиши”, “Грамматик категория”, “Феъл”, “Феълнинг нисбат категорияси”, “Нисбат категорияси гапларда субъект – объект муносабатларини ифодаловчи асосий восита сифатида”, “Пассив конструкциялар типологияси”, “Пассив ва унинг синонимлари”, “Сўз туркумлари валентлиги” ва “Шахсиз пассив” каби масалалари ўз ифодасини топган.

Ўшбу мавзулар талабаларнинг назарий грамматика, тил тарихи, герман филологиясига кириш, матн лингвистикаси каби фанлардан олган билимларининг кенгайтишига ва мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Масъул муҳаррир

доц. М.Бегматов


Такризчилар

доц. Б.Примов
доц. А.Бобоноров

СЎЗБОШИ

Танланма фан сифатида олинган нисбат категорияси хали – хануз ўзининг долзарблигини сақлаб қолмоқда. Зотан, германистикада, жумладан, немис тилида феълнинг нисбат категориясининг асосий масалалари бўйича ҳозиргача кескин баҳслар давом этмоқда. Мазкур мунозаралар қуйидагиларни ўз ичига олган: 1) ушбу категориянинг формал аниқланиши мантиқий (семантик) жиҳатдан белгиланишига зидланиши; 2) нисбат оппозицияси таркиби ҳақидаги масаланинг муаммолиги (айрим олимлар нисбат фақат актив ва пассивдан ташкил топган дейишса, бошқалар бу таркибга стативни ҳам киритади, учинчилари эса ҳатто рефлексив-ўзлик нисбатни ҳам алоҳида нисбат сифатида қарашади); 3) актив ва пассив тушунчаларининг мазмуни (маъноси) ва ҳажми, уларнинг оппозицияси, характери ва вазифаларининг хусусиятлари бўйича баҳслар; 4) нисбатнинг феълларнинг ўтимлилиги, ўтимсизлиги, рефлексивлиги ва шахсизлиги билан муносабати масаласи.

Чунончи, немис тилида рефлексивни мустақил нисбат сифатида эмас, балки рефлексив феъллар ёки рефлексивли гап конструкциялари сифатида қараш лозимлиги таъкидланади [Mühlner W. / Sommerfeldt K.E. Genus und Genusfeld im Deutschen und Russischen // Deutsch als Fremdsprache, 1977, 2. – S. 107-112]. Худди шунга ўхшаш фикр рус тилидаги рефлексив феъллар ҳақида ҳам билдирилган [Тимофеев Х.А. Еще раз о залоге русского языка // Русский язык в школе, 1964, 4]. В.В. Виноградов рефлексив нисбатни тан олса-да, айти пайтда пассив-рефлексив феъллар ҳақида ҳам сўз юритади [Виноградов В.В. Русский язык. – М., 1974. – С. 606]. Буларнинг барчаси рефлексив феъллар мустақил равишда нисбатни ҳосил қилолмаслигидан ва шу боис, уни морфологик категория сифатида ҳисобламасликдан дарак беради. Шу билан бирга,



адабиётларда барча актив шакллар ҳар доим ҳам актив маънони ва барча пассив шакллар пассив маънони беравермаслиги таъкидланади [Schmidt W. Grundfragen der deutschen Grammatik. – Berlin, 1965. – S. 203].

Шулардан келиб чиққан ҳолда бакалавр ва магистрантларга нисбат муаммосини актив ва пассив оппозициясини ўрганишдан бошлаш мақсадга мувофиқ туюлади. Зеро, ушбу оппозиция аъзолари ўртасидаги фарк феълнинг нафақат турлича морфологик шаклларида, шунингдек, турлича синтактик ташкиллаштирилишида ўз ифодасини топган, яъни активда эга ҳаракат субъекти маъносига, тўлдирувчи (воситасиз) объект маъносига эга бўлса, пассивда аксинча, эга объект маъносини, тўлдирувчи (предлогли) эса субъект маъносини ташийдди, киёсланг:

Beruni entdeckte Amerika. → Amerika wurde von Beruni entdeckt.

Шунга ўхшаш ҳолатни ўзбек ва рус тилларида ҳам кузатиш мумкин.

Танланма фанга маърузалар учун 20 соат, амалий машғулотлар учун 20 соат (1-курс), 26 соат (2-курс) ажратилган.

1-МАВЗУ. ТИЛНИНГ ГРАММАТИК ҚУРИЛИШИ

(2 соат)

Режа:

1. Кириш. Грамматик ҳодиса (бирлик)лар ҳақида умумий тушунча.
2. Морфема.
3. Сўз.
4. Сўз бирикмаси.
5. Гап.
6. Грамматик қурилишнинг тилнинг бошқа соҳа (аспект)лари билан муносабати
7. Хулоса.

Адабиётлар

1. Адмони В.Г. Основы теории грамматики. – М. – Л., 1964. – С. 3-12.
2. Адмони В.Г. Пути развития грамматического строя в немецком языке. – М., 1973. – С. 3-14.
3. Баскаков Н.А., Содиков А.С., Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик. – Т.: Ўқитувчи, 1979, 73-75 бетлар.
4. Гулыга Е.В., Натанзон М.Д. Грамматика немецкого языка. – М.: Учпедгиз, 1957. – 356 с.
5. Зиндер Л.Р., Строева Т.В. Пособие по теоретической грамматике и лексикологии немецкого языка. – Л.: Учпедгиз, 1962. – 148 с.
6. Москальская О.И. Грамматика немецкого языка. Теоретический курс. – М.: Изд-во литературы на иностранных языках, 1956. – С. 5-28.
7. Фуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғиров Р. Ўзбек тили морфем луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1977, 3-15 бетлар.
8. Admoni W. Der deutsche Sprachbau. – L.: Просвещение, 1972. – 312 S.

9. Jung W. Grammatik der deutschen Sprache. – Leipzig: VEB Bibliographisches Institut, 1973. – 518 S.

10. Moskalskaja O.I Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. – M.: Visschaja shkola, 1971. – 384 S.

Таянч иборалар

* Қиёсий-тарихий тилшунослик, ёш грамматистлар, морфология, синтаксис, морфема, сўз, сўз бирикмаси, гап, грамматик қурилиш, тил аспектлари.

1. Кириш. Грамматик ҳодиса(бирлик)лар ҳақида умумий тушунча. Грамматик ҳодисалар соҳасига тилнинг грамматик бирликлари тегишли бўлиб, улардан морфема, сўз, сўз бирикмаси ва гап асосий бирликлар ҳисобланади, шунингдек, ушбу бирликларни юзага чиқариш, ташкил этиш ва фарқлаш учун ишлатиладиган, айнан мазкур мақсадлар учун муайян даражада хизмат қиладиган воситалар қиради. Бу воситалар: фонетик, ритмик-интонацион, грамматик бирликларнинг бирикиш қонуниятлари, бир-бирига нисбатан грамматик бирликларнинг жойлашиш тартиби. Бундан кейин “грамматик ҳодисалар” термини баъзан фақат грамматик бирликларга нисбатан ишлатилади.

Грамматик қурилиш бирликлари ўзаро икки тур белгилари – улар ифодаладиган маънолар характери ва формал-функционал (яъни бу маъноларнинг ифода шакли ҳамда уларнинг бошқа грамматик маъноларнинг ифода шакллари билан ўзаро муносабати) нуктаи назаридан фарқланади.

2. Морфема. Морфема нутқий занжирнинг кичик бўлаги ҳисобланиб, у билан қандайдир алоҳида маъно боғлиқ бўлиб, у бошқа морфемалар билан қайд қилинган алоқаларда ўз ифодасини топади.

Хусусан, ҳозирги ўзбек тилида сўзларни вертикал (тик) чизиқ билан морфема (маъноли қисм)ларга қуйидагича бўлиш мумкин:

тез	баланд
тез / лик	баланд / ла / моқ
тез / лаш / моқ	баланд / ла / т / моқ
тез / лаш / тир / моқ	баланд / ла / ш / моқ
	баланд / лик ва ҳ.к.

Ҳар бир сўзнинг морфемаларга ажратилиши ундаги қисмларнинг ҳозирги ўзбек тилида ўзаро муносабатга кириша олиш хусусиятига асосланади. Шу тарзда сўзларнинг морфематик таркиби шаклланади.

Демак, морфема – сўзларнинг маъноли қисмлари бўлиб, у ўз навбатида, яна маъноли қисмларга бўлинмайди. Масалан, “акли” сўзи икки морфемадан ташкил топган: акл ва -ли. Акл – ўзак морфема бўлиб, сўзнинг асосий лексик маъносини ифодалайди; -ли морфемаси эса аффиксал морфема бўлиб, ўзак морфема орқали ифодаланган белги ёки предметга эгалик маъносини келтириб чиқаради.

Сўзнинг морфема таркиби уни ташкил этувчи морфемалар йигиндисидир. Масалан: ёқ / моқ, ёқ / ла / моқ, ёқ / ло / в / чи, ёқ / ув / чи, ёқ / тир / моқ, ёқ / ин / қи / ра / моқ, ёқ / ла / ма, ёқ / ла / ма / лик.

Сўз бир морфемадан иборат бўлиши мумкин: кўз, калла, муз, саккиз, тонг, сув ва б.

Бир морфемали сўзлар фақат ўзақдангина иборат бўлиб, одатда, туб сўз ҳисобланади.

Сўз икки ёки ундан ортиқ морфемалардан ташкил топган бўлиши ҳам мумкин: узум / зор, узум / зор / лик, узоқ / да / ги, узоқ / дан, узоқ / ла / моқ, узоқ / ла / н / моқ, узоқ / ла / ш / моқ, узоқ / ла / ш / тир / ил / моқ, узоқ / ла / ш / тир / моқ ва ҳ.к. Бундай кўп морфемали сўзлар одатда ясама сўзлар ҳисобланади.

Морфемаларнинг маъно кўринишларини тушуниш, уларни тўғри фарқлай билиш бўгин кўчиришда хатога йўл қўймасликни таъминлайди. Бўгин кўчириладими ёки морфема кўчириладими?

Масалан, ўқувчилар “қаламингизни”, “укангизни”, “обшчина” каби (албатта, бунда нг ва шч товушлари бир товуш эканлигини ҳам билиш керак) сўзларни бўгинларга ажратиб кўчиришда хатога йўл қўйишади ва уларни *қаламингизни, укангизни, обш-чина* тарзида кўчиришади.

БМТ, АҚШ тарзидаги аббревиатуралар, график қисқартмалар ва бошқалар бир морфема сифатида қаралади. Аммо уларни қисқартирилган қўшма сўзлар сифатида қисмларга ажратиб бир сатрдан иккинчи томонга ўтказиш мумкин эмас [Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғиров Р. Ўзбек тили морфем луғати. – Т.: 1977, 3-15-бетлар].

Демак, ҳозирги ўзбек адабий тилининг бўлимларидан бири сифатида морфематика сўзнинг маъноли (морфема) лари, уларнинг турлари, сўзнинг морфематик структураси билан боғлиқ масалалар билан шуғулланади. [Ушбу мавзу (морфема) бўйича семинар машғулотларида сўзларни морфематик таҳлил қилиш керак.]

3. Сўз. Сўз морфемалардан ташкил топган грамматик бирлик бўлиб, борликдаги муҳим ҳодисалар сифатидаги предмет, процесс, белги ва муносабатларни англатиш учун хизмат қилади ва маълум даражада алоҳидалик (мустақиллик) ка эга ҳамда бошқа сўзлар билан турли-туман муносабатларга кира олади.

Сўз тилининг турли соҳаларига ўз алоқадорлиги билан грамматик қурилиш бирликлари орасида алоҳида ўринга эга. Жумладан, грамматик система ичида у, бир томондан, морфема билан ажралмас бирликни ҳосил қилади, зотан, бу икки бирлик моҳиятан зарурлиги туфайли бир-бирини тақозо қилади ва бир-бирининг таъсирида грамматик қурилишнинг алоҳида соҳаси – морфологияни ташкил қилади. Иккинчи

томондан, у (сўз) гап ва сўз бирикмаси билан узвий боғланган бўлиб, улар билан ўзаро муносабатда грамматик қурилишнинг иккинчи бир соҳаси – синтаксисни ҳосил қилади.

4. Сўз бирикмаси. Сўз бирикмаси икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг эркин (қайд қилинмаган) йўл билан қўшилиши натижасида борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг ажратиб ташланган алоқасини ифодалайдиган грамматик бирликдир.

5. Гап. Гап сўзлар (ёки биргина сўз) дан ташкил топган ва (нисбатан) тугалланган нутқий фикрни ифодалайдиган грамматик бирликдир.

Тил қурилишининг турли-туман бирликлари орасида грамматик бирликлар икки хил хусусияти билан ажралиб туради.

Улар тил қурилишининг кўп сонли бирликларидан айнан бир товуш шаклига эга бўлиши билан бирга яна шу товуш шакли билан боғлиқ маънога ҳам эга бўлиши билан фарқланади. Улар бу билан маъноли бирикмалар ҳосил қиладиган, бироқ ўзларича ҳеч қандай маъно ташимайдиган фонема, бўғин, нутқий такт ва бошқа шу каби тил бирликларидан фарқ қилади.

Тилнинг маъноли бирликлари системаси ичида сўз грамматик бирлик сифатида тилнинг лексик системаси бирлиги сифатидаги сўздан бир-бирига қатламланадиган ҳеч бўлмаганда икки ёки ундан ортиқ маъноларнинг ташувчиси сифатида ажралиб туради. Айни пайтда сўз ўзининг соф лексик томонидан фақат бир маъно, яъни борлиқдаги у ёки бу ҳодисаларнинг инсон тафаккури ёрдамида акс этиши (сўзнинг лексик маъноси) ни англатади. Бунда у (сўз) бошқа сўзлар билан борлиқнинг турли томонларини алоҳида-алоҳида ифодалашнинг мураккаб системаларини яратиб, сўз грамматик бирлик сифатида ушбу лексик маънонинг грамматик маъноларнинг у ёки бу кўриниши билан қўшилиб

кетади. Бу маънолар ёки сўзнинг структурасида, ёки сўз ўзининг конкрет қўлланиши билан жалб қилинган синтактик бирликлар структурасида ифодаланади. Бунда бир-бирига қатламланадиган грамматик маъноларнинг йиғиндиси сўз шаклидаги парадигматик фарқлар туфайли ҳамда сўзни ўраб турадиган синтактик қурилмалар шаклидаги синтагматик фарқлар муносабати билан ўзгариб туради. Бу ерда ҳатто (сўзларнинг морфологик разрядлари мавжуд бўлган тиллар учун) терминологик жиҳатдан фарқлаб, сўзни тилнинг лексик қурилиш бирлиги деб ҳисоблаш мумкин, чунки сўз қандай бўлса, шундайлигича ўзининг парадигматик шаклидан қатъи назар тилнинг лексик системасига қарашлидир. Сўзнинг парадигматик шаклини эса грамматик қурилиш бирлиги деб ҳисоблаш мумкин, чунки айнан бунда лексик ва грамматик маънонинг конкрет бирикиши рўёбга чиқади.

Бироқ грамматик бирликларни ва бошқа лисоний бирликларни фарқлашнинг ўзидаёқ биз бир хусусиятга, умуман, тил ҳодисаларига хос бўлган хусусиятга, яъни ёнма-ён турган категорияларни ва ҳодисаларнинг бус-бутун соҳаларини тўлиқ, бекам-кўст аниқлаб олишнинг имкони йўқлигига дуч келамиз.

6. Грамматик қурилишнинг тилнинг бошқа сатҳлари билан муносабати. Дарҳақиқат, лексик қурилиш соҳасида грамматик маънолардан тўлиқ чалғиш мумкин эмас. Лексик системанинг қурилиши учун – дунё тилларининг барчасида у ёки бу шаклда барча сўзларни сўз туркумлари бўйича тақсимлаш ўта муҳимдир. Бу синф (клас) ларнинг моҳияти эса айнан сўзда икки маънонинг қўшилишида намоён бўлади: муайян сўзга хос бўлган моддий (лексик) ҳамда сўз туркумига хос бўлган умумий категориал маънолар. Бир туркум маъноларнинг бошқаларига қатламланиши у ёки бу даражада сўз ясалишининг ҳар қандай системасида кузатилади.

Шу боис, сўз туркумларининг лексик-грамматик категориялар деб ўрганилиши, сўз ясалишининг эса, кўпинча, грамматикада ҳам, лексикологияда ҳам талқин қилиниши тўла қонунийдир.

Шундай қилиб, грамматик бирликларни тилнинг бошқа маъноли бирлигидан – лексик категория сифатидаги сўздан тўлиқ ажратиш мумкин эмас. Шунингдек, грамматик бирликларни маъно англамайдиган тил бирликларидан ҳам ажратиш жуда кийин.

Чунончи, нутқнинг товуш кўринишлари (материя) бўлиб юбориладиган парчалари орасида гапнинг товуш шаклини ҳосил қилувчи ритмик-интонацион яхлитлик ҳам бор. Ушбу яхлитлик, бир томондан, аниқ, “портатив” бутунликка бирлаштирган ҳолда гап ҳосил қилишга хизмат қилади ва бу билан у бошқа грамматик бирликларга нисбатан (масалан, сўзнинг ритмик-интонацион шакли билан) айнан шу (ташкилий) мақсад учун хизмат қиладиган нутқ бўлаклари билан бир қаторда туради. Шу билан бирга гапнинг ритмик-интонацион шакли гапда ифодаланиб, бошқа маъноларга қатламланган баъзи умумий грамматик маънолар (модал маънолар ҳамда коммуникатив мақсадли маънолар) ни ҳам аниқлайди. Масалан, кўпгина тилларда шубҳаланиш ва сўроқ маънолари қисман гапнинг ритмик-интонацион кўринишидаги силжиш ёрдамида аниқланиши мумкин. Шундай қилиб, гапнинг ритмик-интонацион структураси грамматик қурилиш соҳасида ўзида грамматик маъноларга эга бўлмаган ходисаларнинг жиҳатларини бирлаштиради (жамлайди) ва грамматик қурилишнинг грамматик маънога эга бўлган ҳақиқий бирликларининг хусусиятларини ҳам, грамматик бирликларини ҳам ясашга хизмат қилади. Грамматик бирликларни ҳосил қиладиган воситаларнинг ўзлари грамматик маъноларнинг ташувчилари бўла олади.

Грамматик қурилиш сатҳида турли-туман ҳодисалар ўртасидаги чегараларнинг барқарор эмаслиги тўғрисидаги масалага биз хали бир неча бор қайтамиз.

Барча грамматик бирликлардан сўз бирикмаси иккинчи даражалироқ ва кам заруратга эга бўлган бирликдир. Жаҳоннинг барча тилларида ҳеч бўлмаганда бирорта морфема, ёки бирорта сўз (ундов бўлса ҳам), ёки бирорта гап бўлмаган тугалланмаган нутқий фикр бўлиши мумкин эмас. Қиёсланг, масалан, рус тилидаги Cmon! шаклидаги буйруқ гаплар, Уф! типидagi ундов-эхтиросли гаплар ва х.к. Бу нутқий фикр минимуми. Бинобарин, кўринадики, ушбу минимумда сўз бирикмаси келмаслиги мумкин. Бироқ аслида дунёдаги барча тилларда сўз бирикмаси грамматик қурилишнинг фавкулудда муҳим унсури вазифасини ўтайди ва айрим гапларда унчалик муҳим бўлмаса-да, гапнинг ҳажмини етарлича таъминлаб, умуман, унинг қурилиши учун зарур ҳисобланади.

Грамматик бирликлар ўртасидаги муносабат ниҳоятда мураккабдир. Улар ягона системани ҳосил қилади, бироқ бу ситема бир узунликда ҳам ва симметрияли ҳам эмас. Бир қараганда, гуё биз бунда қуйи сатҳлардан ташкил топиб, тобора изчил йириклашиб бораётган юқори сатҳ бирликларига дуч келгандай бўламиз: морфемалардан сўз, сўзлардан сўз бирикмаси, сўз бирикмаларидан гап. Шу билан бирга ҳеч бўлмаганда ноль шаклли тамойилни қўллаганда бундай ҳолатнинг мавжудлигига гувоҳ бўламиз: сўзнинг энг кичик таркиби – муайян морфема + ноль морфема; сўз бирикмасининг минимал таркиби – муайян сўз + “ноль” сўз; гапнинг минимал таркиби – муайян сўз бирикмаси + “ноль” сўз бирикмаси. Бунда муайян сўз бирикмаси биргина сўздан ташкил топиши мумкин ва х.к. Бироқ аслида асосий грамматик бирликларнинг ўзаро муносабати бошқача ташкил топган бўлади, чунки улар қисман турли соҳаларда қарор топган бўлади. Яъни: сўз сўз бирикмасига нисбатан ҳам,

гапга нисбатан ҳам куйи бирлик сифатида улар билан турлича муносабатларда бўлади.

Сўз сўз бирикмасига нисбатан структур-семантик планда қисмнинг бутунга нисбатлик муносабатида бўлади, бироқ функционал жиҳатдан ундан фарқ қилмайди: сўз ҳам, сўз бирикмаси ҳам охир-оқибатда реал борлик ҳодисаларини ифодалаш (аташ) учун хизмат қилади. Бунда улар фақат ушбу ҳодисаларни ифодалашда ажратиш даражаси ҳамда сўз ва сўз бирикмасини ясайдиган компонентлар ўртасидаги мустаҳкамланиш даражаси билан фарқ қилади. Шу боис, ноль шакллар тушунчасини сўз бирикмасига қўллаш, умуман, мақсадга мувофиқ эмас. Ахир сўз бирикмаси моҳиятан номлашни кенгайтиришдан, яъни бир муайян “номлайдиган” компонентга бошқа бир муайян “номлайдиган” компонентни (ёки кўпгина муайян “номлайдиган” компонентларни) қўшишдан иборат. “Номинация”, одатда, мавжуд сўзлар асосидангина амалга ошиши мумкин, чунки мустақил сўзларнинг бирикиш имкониятларининг сони сўз ичидаги морфемаларнинг бирикиш имкониятлари сонидан фарқи шунчалик каттаки, мавжуд сўзда у билан бирикадиган сўзнинг бўлмаслиги жуда кам ҳолларда (одатда фразеологизмлар соҳасида) бир тарзда яна бир сўз маъносининг унга семантик қўшилиши сифатида талқин қилиниши мумкин.

Айни пайтда сўз гапга нисбатан ўзга функционалликка эга бирликдир. Улар бир-биридан фақатгина миқдорий жиҳатдан фарқ қилиб қолмайди. Юқорида кўринганидек, сўз ўз ҳажми бўйича ҳатто гап билан мос тушади. Агар сўз аташ (номлаш) бирлиги бўлса, гап эса, ҳар доим ўзида номлашнинг у ёки бу элементига эга бўлган ҳолда, нутқий коммуникация бирлигидир; у (гап) тугалланган (тўғрироғи нисбий тугалланган) фикр-хабарни ифодалайди.

7. **Хулоса.** Шундай қилиб, грамматик бирликлар системаси иккита турли, аммо бир-бири билан боғланган

планларнинг – номинацияни таъминлайдиган план (сатх) ва коммуникацияни таъминлайдиган план (сатх) нинг чатишуви натижасида ҳосил бўлади. Шу муносабат билан ушбу система бир узунликдаги қурилма сифатида намоён бўла олмайди. Бунда ҳар бир юқори поғона айнан бир тамойил бўйича ҳар бир қуйи поғона устига қурилади ва унинг таҳлили ягона мезон асосида амалга оширилади. Бунда кейинги баёнда биз қурилишнинг бундай кўп ўлчовли бўлишлигининг ҳамда таҳлил учун бир неча мезонларни жалб қилинишининг грамматик қурилиш моҳиятига хос келишини ва унинг бир қатор кўринишларининг характерланишини кўрамиз.

Мавзуга доир савол ва топшириқлар

1. Грамматикага таъриф беринг.
2. Грамматик бирлик нима?
3. Морфема деганда нимани тушунасиз?
4. Сўзнинг грамматикадаги ўрни ҳақида нима биласиз?
5. Сўз бирикмасига мисоллар келтириб, унинг бошқа тил бирликларидан фарқини аниқланг.
6. Гапга таъриф беринг ва унинг бошқа тил бирликлари билан умумий ва фарқ томонларини кўрсатиб беринг.

2-МАВЗУ. ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯ

(2 соат)

Режа:

1. Грамматик категориянинг турлари.
2. Грамматик маънонинг умумийлиги.
3. Грамматик маънони ифодалайдиган воситалар.
4. Хулоса.

Адабиётлар

1. Кодухов В.И. Введение в языкознание. – М.: Просвещение, 1987.
2. Мещанинов И.И. Соотношение логических и грамматических категорий // Язык и мышление. – Москва, «Наука», 1967.
3. Мечковская Н.Б., Норманн Б.Ю., Плотников Б.А., Супрун А.Е. Общее языкознание. – Минск, «Высшая школа», 1983.
4. Москальская О.И. Грамматика немецкого языка. Теоретический курс. – М.: Изд-во литературы на иностранных языках, 1956. – 394 с.
5. Никитевич В.М. Грамматические категории в современном русском языке. – Москва, Учпедгиз, 1963.
6. Шайкевич А.Я., Абдуазизов А.А., Гурджиева Е.А. Введение в языкознание. – Ташкент, «Ўқитувчи», 1989.
7. Admoni W. Der deutsche Sprachbau. – L.: Prosvescheniye, 1972. – S. 10-13.

Таянч сўзлар

Грамматика, грамматик маъно, грамматик шакл, грамматик категория, грамматик восита, классификацион категориялар, парадигма, синтактик функция, сўз ўзгариши.

1. Грамматик категориянинг турлари. Грамматик категория дейилганда, ўзларининг грамматик шакллари билан доимий равишда фаркланиб турувчи энг камида иккита грамматик маънонинг умумлаштирилиши тушунилади. Масалан, келишик, сон, тур, замон, шахс, нисбат ва шу каби грамматик тушунчалар грамматик категорияларни ташкил қилади. Ушбу грамматик маъноларнинг ҳар бири хусусий грамматик категориялар ёки грамемалар дейилади. Чунончи, бош келишик, қаратқич келишик, бирлик, кўплик, ҳозирги замон, ўтган замон ва б. [Шайкевич 1989: 102].

Агар биз рус тилидаги «стены», «пишут», «каменные» сўз шакллари кийёслайдиган бўлсак, уларнинг барчаси кўплик маъносига эга. Бироқ ушбу шакллар ҳар хил синтактик функцияга эга: «стены» сўз шакли бош келишикдаги от сифатида эга позициясида кела олади, шахс шаклига эга «пишут» феъли кесим позициясида келади.

Биобарин, сўз шакллари бир турдаги функционал гуруҳларни ташкил қилган ҳолда, тушунча ва синтактик негизда бирлашади. Грамматик маънонинг умумийлиги асосида бирлашган сўз шакллари грамматик категориялар дейилади. Улар грамматиканинг энг умумий тушунчаларидир. Тилнинг грамматик қурилиши грамматик восита ва шаклларнинг шунчаки инвентари бўлмасдан, бу тартибга солинган системадир. Сўз шакллари грамматик категориялар ва сўз туркумлари бўйича гуруҳланиши тилнинг грамматик системасини ташкиллаштиришнинг икки муҳим усулидир [Кодухов 1987: 277].


Грамматик категория маълум парадигмага бирлашган хусусий грамматик шакл ва маъноларнинг яхлит бирлигидир. Ўз вазифаси ва тил бирликлари бўйича алоқасига кўра грамматик категориялар икки асосий турга – морфологик ва синтактик категорияларга бўлинади.

Морфологик категориялар сўз ўзгариши ва туркумларга ажратиш (классификация) га бўлинади. Сўз ўзгариши (турланиш ва тусланиш) категориялари айнан бир лексема доирасида сўз шакллари бирлаштиради. Классификацион категориялар лексемаларни умумий грамматик маъно асосида бирлаштиради. Сўз ўзгариши ва классификацион категориялар ўртасидаги фарқни яхшироқ тушунтириш учун, жумладан, рус тилида от ва сифатлардаги род категориясини солиштириш етарлидир.

Сифатларнинг род категорияси (шунингдек, эгалик олмошлари, тартиб сонлари, сифатдошлар ва феълнинг замон шакллари) сўз ўзгартирувчи категориядир. Сифат отнинг грамматик родини қабул қилиб, у билан мослашади: «белая бумага», «белый лист», «белое пятно». Агар сифат родларда ўзгармасдан, келишик ва сонларда ўзгаришни давом эттирса, у отлашган, яъни отга ўтган бўлади: вселенная, портной, числительное – булар отлардир. Агар сифат юқоридаги барча сўз ўзгартириш категорияларига хос хусусиятлардан маҳрум бўлса, у равишга ёки предикатив (ҳолат категорияси) га ўтиб, адвербиаллашади: быстро - бу равиш (қиёсланг: сифат «быстрый», -ая, -ое; «быстр», «быстра»); «жалко» ва «ладно» - предикативлар.

Отларнинг род категорияси – классификацион категория. Отлар родларда гуруҳланиб, барча субстантив лексикани классификация қилади: «стол» - м.р, «стена» - ж.р, «окно» - с.р.

Мисоллардан кўринадики, грамматик категориялар сўзларнинг лексик гуруҳлари билан алоқадор бўла олади. Бу грамматика ва лексика бир-бирига таъсир қилиб, лексик-грамматик категорияларни ҳосил қилишидан дарак беради. Отлардаги мавҳумлик, моддийлик, жонли / жонсиз, феълларда ҳаракат усули, сифатларда нисбийлик ва аслийлик категориялари лексик-грамматик категорияларга мисол бўла олади. Сўз ясалиши категориялари ҳам шундай аралаш



лексик-грамматик характерга эга бўлиб, у ёки бу сўз туркумига хос бўлган морфологик структурали сўзлар билан боғлайди. Аини чокда ушбу категориялар янги лексемаларнинг ҳосил бўлиши ва сўзларнинг лексик гуруҳлари билан ҳам боғлайди.

2. Грамматик маънонинг умумийлиги. Шуни таъкидлаш керакки, грамматик категориялар, тилнинг умумий ва муҳим жиҳатларини намоён этиб, тиллар ўртасидаги фарқларни ва уларнинг таракқиётини ифодалаб боради. Тиллар фарқларидаги турли-туманлик икки турга бўлинади.

Биринчидан, тиллар бир-биридан грамматик категорияларнинг мавжуд бўлиши ёки мавжуд бўлмаслиги билан фарқ қилади. Масалан, отларда род категорияси славян ва кўпгина бошқа ҳинд-европа тилларида мавжуд бўлган ҳолда инглиз ва арман тилларида эса йўқ.

Иккинчидан, тиллар, айнан бир хил грамматик категорияларга эга бўла туриб, грамматик маъноларнинг ифода воситалари, парадигмаси ва категория тури билан (морфологик, лексик-грамматик, синтактик) бир-биридан фарқ қилади.

3. Грамматик маънони ифодалайдиган воситалар. Қиёслаш учун рус, немис ва француз тилларидаги сон ва род категорияларини олиш кифоядир: француз тилида отлар турланмайди, рус ва немис тилларида отлар турланади. Бу тилларнинг барчасида иккита сон – бирлик ва кўплик бор. Бироқ рус тилида кўплик, асосан, флексия ёрдамида амалга ошади, немис ва француз тилларида эса артикдан, шунингдек, шакл ясовчи суффикс ва умлаутдан фойдаланилади. Рус ва немис тилларида учта, француз тилида иккита грамматик род мавжуд. Немис ва француз тилларида артикль, рус тилида флексия род кўрсаткичи вазифасини ўтайди. Шуни таъкидлаш керакки, ўзбек тилидаги “муаллим-муаллима”, “олим-олима” кабилар баъзи

тадқиқотчилар томонидан род категориясининг кўриниши, деб ҳисобланади.

Феълнинг замон категориясида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин. Флектив тилларда замон уч компонентли парадигмага эга. Бироқ ҳар бир компонент сўз шаклларининг йиғиндиси турличадир. Чунончи, славян тилларида ҳозирги замоннинг оддий шакллари тусланувчи турларнинг ранг-баранглиги билан фарқ қилади: рус тилида иккита, болгар тилида учта. Бу тилларда, айниқса, ўтган замон шакллари тизими ранг-барангдир. Бошқа славян тиллари, шарқий славян тилларидан фарқли ўлароқ, ҳамда герман ва роман тиллари ўтган замон шаклларининг мураккаб тизимини сақлаб қолган [Кодухов 1987: 227-232].

Ўзбек тилида замон категорияси уч (ўтган, ҳозирги ва келаси замонлар) га бўлиниб, уларнинг ҳар қайсиси бир неча шаклларга эга.

4. Хулоса. Кўринадики, грамматик категория грамматик шакл билан грамматик маънонинг қўшилишидан вужудга келади. Бир гуруҳ грамматик категориялар кўпгина тилларда бўла туриб, айрим тилларда мавжуд эмас. Аксинча, айрим тилларда мавжуд бўлган грамматик категориялар, бошқаларида эса ўз ифодасини топмаслиги мумкин.

Мавзуга оид савол ва топшириқлар

1. Грамматик категорияга таъриф беринг.
2. Хусусий грамматик категория деганда нимани тушунаси?
3. Классификацион категорияларни тушунтиринг.
4. Сўз ўзгариши нимани англатади?

3-МАВЗУ. ФЕЪЛ

(2 соат)

Режа:

1. Феъл ҳақида умумий маълумот.
2. Феълнинг таснифи.
- 2.1. Феълларнинг семантик таснифи.
- 2.2. Феълларнинг морфологик таснифи.
- 2.3. Феълларнинг синтактик таснифи.
3. Феълнинг грамматик категориялари.
4. Хулоса.

Адабиётлар

1. Гулыга Е.В., Натанзон М.Д. Грамматика немецкого языка. – М.: Учпедгиз, 1957. – 356 с.
2. Москальская О.И. Грамматика немецкого языка. Теоретический курс. – М.: Изд-во литературы на иностранных языках, 1956. – 394 с.
3. Admoni W. Der deutsche Sprachbau. – Leningrad, 1972. – S. 158-199.
4. Erben J. Abriß der deutschen Grammatik. 8. Aufl. – Berlin, 1965. – S. 231.
5. Helbig G., Schenkel W. Wörterbuch zur Valenz und Distribution deutscher Verben. – Leipzig, 1969. – S. 34-37.
6. Moskalskaja O.I. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. – Moskau, 1971. – S. 75-76.

Таянч иборалар

Феъл, феъл таснифи, феълларнинг семантик таснифи, феълларнинг морфологик таснифи, феълларнинг синтактик таснифи, мустақил маъноли ва мустақил маънога эга бўлмаган феъллар, чегараланган ва чегараланмаган феъллар, субъектли ва объектли феъллар, феълнинг грамматик категориялари.

1. Феъл хақида умумий маълумот. Феъл бошка ўзгарадиган сўз туркумларида сўз ўзгаришининг маъноси, характери, у билан боғланган грамматик категорияларнинг таркиби ҳамда синтактик жиҳатдан қўлланишига кўра кескин фарқ қилади. Шунингдек, феъл грамматик шакллариининг кўплиги ва грамматик категорияларнинг характери бўйича ҳам энг мураккаб сўз туркумидир.

Феълнинг сўз туркуми сифатида семантик асосини процесс, яъни муайян предмет ёки шахснинг ҳаракати ёки ҳолати тушунчаси ташкил қилади.

Дарвоқе, ҳаракат ёки ҳолат нафақат феъл билан, балки от билан ҳам ифодаланиши мумкин, қиёсланг: *singen – der Gesang, das Singen; schlafen – der Schlaf* ва ҳ.к. Бироқ от билан ҳаракат ёки ҳолат номи билан феъл ўртасида кескин фарқ бор. От ҳаракатни унинг бажарувчисидан мавҳумлашган ҳолда атайди; бунда ҳаракат фикрнинг предмети сифатида намоён бўлади, масалан, *der Gesang* (куйлаш). Феъл эса, аксинча, муайян предмет ёки шахс томонидан бажарилган ҳаракатнинг ўзини ифодалайди, масалан:

Ein kleines Harfenmädchen sang.

Sie sang mit wahren Gefühle und falscher Stimme...

(Heine. Deutschland. Ein Wintermärchen.)

Феъл шакллари икки гуруҳга бўлинади:

1) Феълнинг тусланадиган ёки шахсли шакллари ва 2) феълнинг отлашган (именные) ёки шахсиз шакллари (инфинитив ва сифатдош).

Феълнинг тусланадиган шакллари у ёки бу предмет ёки шахсга бевосита алоқадор бўлиб, ҳаракатни бажарувчи шахс нуктаи назаридан муайян ҳаракатни, ҳаракат вақтини, модалликни, яъни реал амалга ошадиган ёки амалга ошиши мумкин бўлган ҳаракатнинг борлиққа муносабатини ифодалайди, қиёсланг:

ich singe – du singst – er singt

er singt – er sangt – er wird singen

er singt – er sänge

Феълнинг отлашган (хосланган - именные) ёки шахссиз (неличные) (тусланмайдиган) шакллари (инфинитив ва сифатдошлар) у ёки бу предмет ёки шахсга фақат потенциал алоқадор бўлиб, ҳаракат бажарувчисини, ҳаракат вақтини, борлиққа муносабатини кўрсатмасдан ҳаракатни ноаниқ ифодалайди, қиёсланг: *singen, singend, gesungen*.

Феълнинг бу ҳар иккала шакли (тусланадиган ва тусланмайдиган) бир сўзнинг кўринишлари бўлса-да (*singen va sie sang*), бироқ улар бир-биридан грамматик категориялар таркиби ва синтактик қўлланишига кўра кескин фарқ қилади.

Феълнинг хусусиятлари сўз туркуми сифатида ўзининг тусланадиган (ёки шахсли) шакларида тўлароқ намоён бўлади. Шунинг учун сўз туркуми сифатида феъл тавсифи одатда, айнан шу шаклларга нисбатан қўлланилади. Феълнинг шахсли шакллари ҳар доим айнан бир синтактик вазифада – кесим вазифасида келади, масалан: *Die Sonne ging auf*.

Ном билдирувчилар (от, сифат, сон), олмошлар ва феълнинг отлашган шакллари (сифатдошлар) мураккаб кесимнинг от қисмини ташкил қилади, масалан: *Ich bin das Schwert, ich bin die Flamme. (Heine). Die Jungfer Europa ist verlobt. (Heine)*.

Инфинитивлар ҳам мустақил равишда гапда кесим вазифасини ўтай олмайди. Улар фақат шахс-сон шаклидаги бошқа бир феъл билан биргаликда мураккаб кесим таркибига киради, масалан: *Wie man im Himmel lebt, Madame, können Sie sich wohl vorstellen, um so eher, da Sie verheiratet sind. (Heine)*.

2. Феълнинг таснифи.

2.1. Феълларнинг семантик таснифи. Феъллар ўз маъноларига кўра икки гуруҳга бўлинади: мустақил феъллар (Vollverben) ва ёрдамчи феъллар (Nichtvollverben). Ўзбек тилида деярли кўпгина феъллар ёрдамчи феъл вазифасида

кела олади. Ёрдамчи феълларга: 1) замон билдирувчи ёрдамчи феъллар (Hilfsverben der Zeit), 2) боғлама вазифасидаги феъллар (Kopulative Verben), 3) модал феъллар (Modalverben).

Барча мустақил феъллар иш-ҳаракат билдиради. Уларнинг конкрет лексик маънолари ранг-барангдир. Чунончи, ҳаракатни англатадиган феъллар (bauen, schreiben, gehen), ҳолат феъллари (sich erholen, liegen, sitzen), бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтишни ифодаловчи феъллар (erwachen, aufstehen, verblühen), нутқ феъллари (sagen, sprechen, antworten), хис-туйғуни англатувчи феъллар (hoffen, fühlen, wünschen).

Вақтни билдирувчи ёрдамчи феъллар сирасига *haben, sein, werden* феъллари киради. Улар аналитик шаклларни ҳосил қилиш учун грамматик восита бўлиб келади. Бироқ улар ўзларининг лексик маъносига эга эмас, улар замон, шахс-сон ва майлни ифодалаган ҳолда морфологик вазифани ўтайди. Бундан ташқари, улардан *werden* феъли пассивнинг аналитик шаклини ҳосил қилишда иштирок этади.

Боғлама вазифасини ўтайдиган феълларга *sein, werden, bleiben, heißen, scheinen* феъллари киради. Улар предикативни эга билан боғлаган ҳолда от-кесимнинг бир қисми сифатида келади. Боғламалар замон, шахс-сон, ва майлни ифодалайди. Шунингдек, улар кесимнинг маъносига ҳам бир қадар таъсир этади, киёсланг:

Er ist mein Freund. Er bleibt mein Freund. Er wird mein Freund.

Модал феълларга *dürfen, können, müssen, sollen, wollen, mögen* ва *lassen* феъллари қарашлидир. Модал феъллари икки вазифани бажаради. Биринчидан, улар инфинитивда турган феъл ифодалаган ҳаракатга эганинг муносабатини ифодалайди. Улардан *müssen* ва *sollen* мажбурийлик (долженствование), *können* ва *dürfen* эҳтимоллик

(возможность) ва *wollen* ва *mögen* хохиш (истак) (желание) маъноларини беради. Иккинчидан, модал феъллари сўзловчи нуктаи назаридан гап ва борлиқ ўртасидаги муносабатни ифодалайди, масалан:

Er muß viel gesehen haben. – У кўп нарсани кўрган бўлса керак (Он, должно быть, много видел).

Er will viel gesehen haben. – У кўп нарсани кўрганлигига ишонтирмоқчи (Он уверяет, что много видел).

Модал феълларнинг иккинчи вазифаси синтаксис билан узвий боғланган, чунки улар бутун гапнинг модаллигини ифодалаш билан боғлиқ.

2.2. Феълларнинг морфологик таснифи. Немис тилидаги феъллар шахсли (личные) ва шахссиз (неличные) нинг барча шакллари феълнинг уч асосий шаклларида ҳосил бўлади: презенс ёки инфинитив, претерит ва сифатдош II.

Немис тилидаги барча феъллар ўзларининг уч асосий шакли характеридан келиб чиққан ҳолда кучли феълларга (*starke Verben*) ва кучсиз феълларга (*schwache Verben*) бўлинади. Булардан ташқари, феълларнинг яна уч кичик гуруҳи бор: 1) презенсда умлаут оладиган кучсиз феъллар (*die Verben mit dem Präsensumlaut*); 2) претерит-презент феъллари (*die Verben Präterito-Präsenta*); 3) нотўғри феъллар (*unregelmäßige Verben*).

2.2.1. Кучли феъллар ўзларининг асосий шаклларини аблаут ёрдамида ҳосил қилади:

lesen – las – gelesen.

Кучли феълларнинг ўзига хослиги уларни презенсда туслаганда ҳам намоён бўлади:

ich lese – du liest – er liest.

Сифатдош II - *en* суффикси ёрдамида ҳосил бўлади. Унлиларнинг алмашинувига кўра кучли феъллар бир қанча аблаут қаторига бўлинади (уларнинг жами 7 та).

2.2.2. Кучсиз феъллар предметни – (*e*)*te* суффикси ёрдамида, сифатдош II – (*e*)*t* суффикси ёрдамида ҳосил қилади: *leben – leb – te – geleb – t*.

Кучсиз феъллар серунум феъллар гуруҳини ташкил қилади: феъл бўлмаган ўзаклардан ёки суффиксли ва умлаутли феъл ўзакларидан ҳосил бўлган барча феъллар кучсиз тусланади.

Презенсда умлаут оладиган кучсиз феълларга *brennen, kennen, nennen, rennen, senden, wenden, denken* феъллари қиради. Улар презенсда умлаутга эга бўла туриб (инфинитив, буйрук майли ва сифатдош I да ҳам), претерит ва сифатдош II да эса умлаутга эга эмас:

brennen – brannte – gebrannt

senden – sandte – gesandt

2.2.3. Претерит-презент феълларига еттига феъл қарашлидир: *dürfen, können, müssen, sollen, wollen, mögen, wissen*. Барча бу феъллар (*wissen* феълидан ташқари) умумий модал маъносига эга.

Бу феъллар претерит-презент феъллари дейилади, чунки бу феълларнинг презент шакли келиб чиқиши жиҳатидан кучли феълларнинг претеритидир. Ушбу феъллар бирлик I- ва 3-шахсда претеритдаги сингари претериал флексияга эга эмас. Бундан ташқари, бу феъллар (*sollen* феълидан ташқари) бирлик ва кўпликда аблаут бўйича унлилар алмашинувига, яъни ҳар хил унлиларга эга бўлади.

Ушбу феълларнинг инфинитиви презенснинг кўплиги билан мос тушади. Претерит ва сифатдош II кучсиз феъллар колипидек ҳосил бўлади:

dürfen – durfte – gedurft

können – konnte – gekonnt

müssen – mußte – gemußt

wissen – wußte – gewußt

mögen – mochte – gemocht

sollen – sollte – gesollt

wollen – wollte – gewollt

2.2.4. Нотўғри феъллар гуруҳига умумий бир белгига эга бўлмаган еттига феъл бирлашади: *haben, gehen, stehen, sein, werden, tun* ва *bringen*, киёсланг:

haben – hatte – gehabt

gehen – ging – gegangen

stehen – stand – gestanden

sein – war – gewesen

werden – wurde – geworden

tun – tat – getan

bringen – brachte – gebracht

2.3. Феълларнинг синтактик таснифи. Барча феъллар гапда кўлланиш характерига кўра субъектли (subjektive Verben) ва объектли феъллар (objektive Verben) га бўлинади.

2.3.1. Субъектли феъллар тўлдирувчини талаб қилмайди, уларнинг ҳаракат доираси эга билан чегараланади. Булар ҳолатни ифодалайдиган феъллар: *stehen, sitzen, liegen, wohnen*; ҳаракатни ифодалайдиган феъллар: *kommen, fahren, gehen*; бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтишни ифодалайдиган феъллар: *aufstehen, erwachen, verblühen*.

2.3.2. Объектли феъллар тўлдирувчи талаб қилиб, бир кишидан (ёки предметдан) чиқиб, бошқа бир кишига (ёки предметга) йўналтирилган ҳаракатни ифодалайди, масалан:

Der Schüler liest ein Buch.

Der Lehrer fragt den Schüler.

Ich bin meinem Freund begegnet.

Wir freuen uns über unsere Erfolge ва б.

Биобарин, объектли феъллар, субъектли феъллардан фаркли ўларок, гапда икки томонлама алоқага эга: эга ва воситали келишиқда турган от билан ёки предлогли конструкция билан ифодаланган тўлдирувчи билан.

Тушум келишигидаги тўлдирувчини талаб қилган объектли феъллар ўтимли феълларнинг махсус гуруҳини ташкил қилади, масалан:

Der Arbeiter baut ein Haus. Wir lieben unsere Schule.

Воситали тўлдирувчи талаб қиладиган объектли феъллар ва барча субъектли феъллар ўтимсиз феъллар (intransitive Verben) гуруҳини ташкил қилади [Гулыга, Натанзон 1957: 107-136].

3. Феълнинг грамматик категориялари. Немис тилида феъл бой грамматик категорияларга эга. Улар қуйидагилар: 1) шахс категорияси, 2) сон категорияси, 3) замон категорияси, 4) майл категорияси ва 5) нисбат категорияси.

Маълумки, юқорида грамматик категориянинг таърифига батафсил маълумот берилган. Қуйида шу грамматик категорияларни қисқача эслатиб ўтамиз. Ушбу грамматик категориялар феъл маъноси билан узвий боғланган бўлиб, феъл томонидан ифодаланган ҳаракат ёки ҳолат нутқда ўзининг тегишли тавсифини топади.

3.1. Шахс категорияси ҳаракат йўналтирилган шахсни кўрсатади:

ich komme – du kommst – der Mensch kommt.

3.2. Сон категорияси бир ёки кўп предмет ёки шахсга тегишли ҳаракатни кўрсатади:

ich komme – wir kommen.

der Mensch kommt – die Menschen kommen.

3.3. Замон категорияси ҳаракатнинг нутқ моментига нисбатан муносабатини ифодалайди:

Er kommt – er ist gekommen – er wird kommen.

Шунингдек, ҳаракатнинг бошқа бир ҳаракатга нисбатан муносабатини ифодалайди:

Er kam, sobald man ihn gerufen hatte. - У чақирган заҳоти келди.

3.4. Майл категорияси ҳаракатнинг борлиққа муносабатини ифодалаб, реал бўлаётган ёки бўлиши мумкин бўлган ҳаракатни кўрсатади:

Er ist gekommen – er wäre gekommen, wenn man ihn gerufen hätte. – У келди – Агар уни чақиршиганда, у келарди.

3.5. Нисбат категорияси ҳаракатнинг йўналишини кўрсатади: бунда ҳаракат у йўналтирилган предмет ёки шахсдан чиққан бўлиши (er ruft) ёки унга қаратилган бўлиши мумкин (er wird gerufen).

Феълнинг барча грамматик категориялари ҳам бир хил ҳажм ва феълларнинг лексик маъноларидан мавҳумлашиш бир хил даражада эмас. Улардан, айниқса, замон категорияси ва майл категорияси кўлами жиҳатдан кенг бўлиб, улар феълларнинг лексик маъноларидан қатъи назар барча феълларга хос. Доимий ўзаро муносабатда бўладиган шахс категорияси ва сон категорияси кўпгина феълларга хос. Ушбу хусусиятларнинг айрим феълларда (шахсиз феълларда) бўлмаслиги бу феълларнинг маънолари билан боғлиқ, чунки мазкур феъллар ифодаладиган ҳаракат ва ҳолат қандайдир бир шахснинг фаолияти натижасида қабул қилинмайди:

Es regnet, es dunkelt, es gibt ва ҳ.к.

Кўпгина тилшуносларнинг фикрича, бу жиҳатдан нисбат категорияси кичик кўламга эга, у феълларнинг лексик маъноси билан узвий боғланган – у фақат ўтимли феълларгагина хос, яъни бир предмет ёки шахс томонидан бажарилган ва бошқа предмет ёки шахсга йўналтирилган ҳаракатни ифодаладиган феъллар ушбу хусусиятга эга (*bauen, machen, sehen, betrachten, fragen, nehmen* ва б.)

Феълнинг грамматик категориялари феълнинг шакл ясалиши системасида намоён бўлади. Шунга кўра феъллар шахс ва сонда, замон ва майлда, ўтимли феъллар эса нисбатда ўзгаради. Феълларнинг шахс, сон, замон, майл ва нисбатда ўзгариши феълларнинг тусланиши дейилади [Москальская 1956: 216-217].

4. Хулоса. Юқоридагилардан кўринадик, феъл бой грамматик шакллар ва грамматик категорияларга эга. Феъллар ўз семантикасига кўра мустақил, ёрдамчи феъллар

(боғлама вазифасидаги феъллар, модал феъллар)га, чегараланган, чегараланмаган ва бетараф феълларга бўлинади. Феъллар морфологик характерига кўра кучли ва кучсиз феълларга, презенсда умлаут оладиган кучсиз феълларга, претерит-презент ва нотўғри феълларга бўлинади. Синтактик таснифига кўра феъллар субъектли ва объектли феълларга бўлинади. Кейинги ҳолат феълларнинг ўтимлилиги ва ўтимсизлиги билан боғлиқ. Феъл мураккаб майл, нисбат ва замон системаларига эга. Феълнинг функционал шакллари (сифатдош ва инфинитив) ҳам ўзларининг батафсил тавсифини топган.

Мавзуга доир савол ва топшириқлар

1. Феълнинг бошқа сўз туркумларидан фарқини сўзлаб беринг.
2. Феълнинг семантик, морфологик ва синтактик таснифларини батафсил айтиб беринг.
3. Феълнинг грамматик категориялари тўғрисида нима биласиз?

4-МАВЗУ. ФЕЪЛНИНГ НИСБАТ КАТЕГОРИЯСИ

(2 соат)

Режа:

1. Нисбат категориясининг умумий тавсифи.
2. Ўтимли, ўтимсиз ва рефлексив феъллар ва нисбат.
3. Ўтимли ва ўтимсиз феълларнинг объектга муносабати.
4. Хулоса.

Адабиётлар

1. Адмони В.Г Синтаксис современного немецкого языка. – М.: Наука, 1973. – 367 с.
2. Алисова Т.Б Очерки синтаксиса современного итальянского языка: Семантическая и грамматическая структура простого предложения. Изд. 2-е. – М.: Книжный дом “ЛИБРОКОМ”, 2009. – 296 с.
3. Грамматика современного русского литературного языка. Отв. ред. Н.Ю. Шведов. – М.: Наука, 1970. – 768 с.
4. Гулыга Е.В., Натанзон М.Д. Грамматика немецкого языка. – М.: Учпедгиз, 1957. – С.160-168.
5. Десницкая А.В. Сравнительное языкознание и история языков. – Л.: Наука, 1984. – 352 с.
6. Есперсен О. Философия грамматики. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1958. – 404 с.
7. Крашенинникова Е.А. Новое в немецкой грамматике. Выпуск 1. Обзор зарубежных работ по морфологии. – М.: Учпедгиз, 1960. – 152 с.
8. Криницкайте С.А. Проблема переходности в исследованиях по индоевропейским языкам // Проблемы внутренней и внешней лингвистики. – М.: Наука, 1978. – С. 11-33.
9. Ломтев Т.П. Общее и русское языкознание. Избранные работы. – М.: Наука, 1976. – 382 с.

10. Москальская О.И. Грамматика немецкого языка. Теоретический курс. – М.: Изд-во литературы на иностранных языках, 1956. – С.321-336.
11. Мухин А.М. К проблеме залога в германских языках // *Philologica*. Исследования по языку и литературе. Памяти академика Виктора Максимовича Жирмунского. – Л.: Наука, 1973. – С. 138-146.
12. Мучник И.П. Грамматические категории глагола и имени в современном русском литературном языке. – М.: Наука, 1971. – 298 с.
13. Раҳматуллаев Ш., Маҳматкулов С. Нисбат парадигмаси ва унга ёндош ҳодисалар // *Ўзбек тили ва адабиёти*, 2006, 2-сон, 35-41 бетлар.
14. Рихсиева Г. Нисбат шаклларининг лингвопоэтик тадқиқи доир // *Ўзбек тили ва адабиёти*, 2004, 2-сон. – Б. 75-77.
15. Шамсиева М. Феъл нисбатларини ўрганиш // *Тил ва адабиёт таълими*, 2003, 4-сон. – Б. 13-16.
16. Шубик С.А. Категория залога и поле залоговости в немецком языке. – Л.: Наука, 1989. – 124 с.
17. Шубникова Г.А. Валентность глагола – сказуемого личных пассивных конструкций в современном немецком языке. АҚД. – Калинин, 1974.
18. Ярцева В.Н. Исторический синтаксис английского языка. – М.: Изд-во АН, 1961.
19. Admoni W. *Der deutsche Sprachbau*. – Leningrad, 1972. – S.177-184.
20. Helbig G., Buscha J. *Deutsche Grammatik. Ein Handbuch für den Ausländerunterricht*. – Leipzig: VEB Verlag Enzyklopädie, 1974. – 629 S.
21. Jung W. *Grammatik der deutschen Sprache*. – Leipzig: VEB Bibliographisches Institut, 1973. – 518 S.
22. Москальская О.И. *Грамматик der deutschen Gegenwartssprache*. – Moskau, 1971. – S.143-156.

23. Schendels E. Deutsche Grammatik. **Morphologie.**
Syntax. Text. – M.: Vyssaja skola, 1979, - 397 S.

24. Internet site: www.rusgram.narod.ru

Таянч иборалар

Феъл, нисбат категорияси, феълларда ўтимлилик ва ўтимсизлик, актив конструкция, пассив конструкция, статив, нисбат конструкцияларнинг семантикаси, структура ва вазибалари, нисбат конструкциялар оппозицияси.

1. Нисбат категориясининг умумий тавсифи.

Умумий тилшуносликда бўлганидек, немис тилшунослигида ҳам феълнинг нисбат ҳақидаги таълимотнинг муҳим масалалари бўйича ханузгача кескин баҳслар давом этиб келмоқда. Бунда мазкур категориянинг мазмун ва формал томонларини аниқлаш асосий баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Хусусан, нисбат оппозициясида иштирок этадиган граммемаларнинг сони ва таркиби ҳақидаги масала ҳалигача ҳал бўлмаган: айрим олимлар ушбу таркибни фақат актив ва пассив билангина чегаралашса, бошқалари бунга яна статив (статал пассив, ҳолат пассив) ни ҳам киритишади. Шунингдек, актив ва пассив тушунчаларининг мазмуни ва ҳажмига нисбатан ҳам қарашларида яқдиллик сезилмайди.

Нисбатнинг ўтимлилик / ўтимсизлик (транзитивлик / интранзитивлик), ўзлик (возвратность), шахсизлик каби ҳодисалари билан муносабатида ҳам бир қанча англашилмовчиликлар мавжуд.

Лекин шунини таъкидлаш керакки, барча тадқиқотчилар актив ва пассив конструкцияларни ушбу оппозициянинг намунавий турлари, деб таъкидлашади. Ушбу оппозиция аъзолари ўртасидаги характерли фарқ нафақат феълнинг ҳар хил морфологик шаклларида, балки турлича синтактик ташкиллаштирилишида намоён бўлади: актив конструкцияларда эга иш-ҳаракат субъекти маъносига,

тўлдирувчи эса (воситасиз) объект маъносига эга бўлади; **пассив** контрукцияларда, аксинча, эга объект маъносига, тўлдирувчи (кўмакчили) эса субъект маъносига эга бўлади [Шубик 1989: 5-6].

Куйида биз мазкур нисбат оппозициясининг ҳосил бўлишига, унинг семантикаси ва феъллардаги ўтимлилик / ўтимсизликка муносабати ҳамда оппозиция аъзоларининг структур ва функционал хусусиятларига тўхталиб ўтамиз.

2. Феълларда ўтимлилик / ўтимсизлик / рефлексивлик ва нисбат. Маълумки, феъл грамматик категорияларга бой сўз туркумидир. Ҳар бир грамматик категория феълнинг у ёки бу жиҳатини ўрганишга хосланган бўлиб, бунда у бошқа категориялар билан узвий боғлиқликни намоён этади. Ушбу боғланиш формал-грамматик ва мантикий хусусиятга эга бўлиб, узвий равишда бир системани ташкил қилади ва бу мазкур сўз туркуми бўйича муайян фикр билдиришга имкон яратади. Чунончи, немис ва рус тилларида феълнинг замон категорияси тус (вид) категорияси билан; немис, ўзбек ва рус тилларида нисбат категорияси ўтимлилик / ўтимсизлик категорияси билан жипс боғлиқликни тақозо этади ва ҳоказо.

Биз мазкур ишда турли қурилишга эга бўлган тилларда ўтимли ва ўтимсиз ҳамда рефлексив феълларнинг нисбатга бўлган муносабатига бир қадар тўхталиб ўтамиз.

2.1. Таъкидлаш жоизки, тилшуносликда актив ва пассив оппозицияси фақат ўтимли феълларга хос деган тушунча бор. Одатда, тушум келишигида турган воситасиз тўлдирувчини бошқарадиган феъллар ўтимли (транзитив) феъллар дейилади. Ўтимли феълларга мазкур келишиқни талаб қилмайдиган ўтимсиз (интранзитив) феъллар қарши туради. Ўтимсиз феъллар ўз навбатида иккига бўлинади: биринчи турга жўналиш ёки қаратқич келишигидаги кўмакчили ёки кўмакчисиз воситали тўлдирувчиларни бошқарадиган феъллар қиради. Барча воситали ёки воситасиз

тўлдирувчиларни бошқарадиган феъллар икки томонли феъллар дейилади, бундай хусусиятга эга бўлмаган феъллар эса бир томонли феъллар дейилади [Шубик 1989: 6-7].

2.2. Икки томонли ўтимсиз феъллар ўтимли ва бир томонли ўтимсиз феъллар ўртасида оралик ҳодиса бўлиб, уларни биринчиси билан тўлдирувчининг мавжудлиги, кейингиси билан эса пассивнинг йўклиги яқинлаштиради. Ҳам воситасиз, ҳам воситали тўлдирувчиларни бошқарадиган феълларни шартли равишда ўрталик-ўтимли феъллар дейиш мумкин. Бундай феъллар билан боғлиқ объектлар ўз характериға кўра бир-биридан фарқ қилади: улардан бирини англатган ва тушум келишигида турган предмет бевосита иш-ҳаракат таъсирида бўлади, иккинчи объектни ифодалаган ва жўналиш келишигида турган предметға эса иш-ҳаракат унинг манфаати йўлида қаратилиб, бевосита иш-ҳаракат таъсирида бўлмайди:

Er gab ihm ein Buch [Адмони 1973: 101].

Мазкур феълларнинг воситали ва воситасиз тўлдирувчилар билан турлича боғланиш даражаси қуйидаги мисолларда яққол кўзға ташланади: воситали тўлдирувчи кўпинча тушиб қолиши мумкин, воситасиз тўлдирувчини эса тушириш мумкин эмас:

Die Schneiderin naht der Mutter ein Kleid.

Die Schneiderin naht ein Kleid.

Die Schneiderin naht der Mutter [Helbig, Buscha 1974: 285].

Шу билан бирга, адабиётларда нафақат тушум (винительный) келишиқдаги, шунингдек, қаратқич (родительный) келишиқдаги отларни бошқарадиган феъллар ҳам ўтимли феъллар, деб ҳисобланади деган фикр ҳам мавжуд. “Шу турдаги феъллар билан келган гапларда эға ҳаракат субъектини, винительный ва родительный келишиқлардаги отлар эса ҳаракат объектини ифодалайди:

Рабочие строят дом; Я жду поезда” [Грамматика ... 1970: 350-351].

Кейинги холатда ҳаракат объекти “избирать кого – что – н., ненавидеть кого – что – н., уважать кого – что – н.” каби кучли бошқарувга (сильное управление) эга феълларда учрайди (бунда феъллар винительний келишикни бошқаради): достигнуть чего – н., закупить чего – н., хотеть кого – чего – н. (бу ерда феъллар родительний келишикни бошқармоқда) [Грамматика ... 1970: 491-492].

Шунингдек, германистикада “transitiv” деган тушунчанинг моҳиятини қайта кўриб чиқишга бўлган интилишлар ҳам мавжуд. Жумладан, М.Регуланинг фикрича, ўтимли феълни фақат тушум (винительний) келишикни талаб қилиши билан чегаралаш керак эмас, чунки ушбу чегараланиш на семантик ва на моддий нуқтаи назардан ўзини оқлайди. Тушум (винительний), жўналиш (дательний) ва қаратқич (родительний) ҳамда предлогли тўлдирувчилар билан бирга келган феъллар ўтимли маънолар ифодалашининг турлича кўринишларидир [Крашенинникова 1960: 67-68]. Г.А.Шубникова ҳам феълдаги ўтимлиликни шундай тушунади [Шубникова 1974: 6-7].

2.3. Ўтимли феълларнинг энг ёрқин хусусияти уларнинг пассив шаклини ясай олишидир. Ўтимли феълларнинг ушбу хусусияти уларнинг субъект ва объект фаолиятлари ўртасида энг яқин алоқаларни ифодалашидир [Шубик 1989: 13].

Тиллар тарихидан маълумки, тил таракқиётининг дастлабки даврларида феъллар ўтимли ва ўтимсиз феълларга бўлинмаган. Вазият тақозосидан келиб чиқиб, улар гоҳ ўтимли, гоҳ эса ўтимсиз маъноларда қўлланиб, нейтрал феъллар деган номни олишган. Кейинчалик феъл маъноларининг дастлабки нейтраллигидан ўтимли холат ўсиб чиқиб, феъллар аниқ равишда ўтимли ва ўтимсиз феълларга ажралди ва объект муносабатларини ифодаладиган муҳим

системага айланди. Бирок кўпгина феълларнинг икки хил кўлланиши кейинги даврларда ҳам сақланиб қолди. Ҳатто ҳозир ҳам ҳинд-европа тилларида бир қатор феълларнинг ўтимли-ўтимсиз тарзида икки хил кўлланиши кузатилади, масалан, нем. heißen „атамоқ, номламоқ“ („называть“) ва „аталмоқ“ („называться“). Феълнинг ўтимли маънонинг олиши унинг тушум (винительный) келишигини бошқара олиши билан боғланиб, ушбу келишик ўзининг дастлабки ҳол маъноларидан соф объект маъноларининг ривож топиши билан характерланади. Айни пайтда параллел равишда мажхул нисбат категорияси шаклланиб, активнинг воситасиз тўлдирувчиси (прямое дополнение) пассивнинг эгасига айланиш имконияти яратилади.

Ўтимлилик ва ўтимсизлик категориялари фақат бир-бирига зидланишда мавжуд бўлади. Шу боис, ҳинд-европа тилларида феъллар маъноларининг қадимги характери уларни айнан нейтрал ёки абсолют (мутлақ) деб аталиб, уларда ўтимлилик ва ўтимсизлик маъноларининг дифференцияси йўқлигидан далолат беради. Қадимги ҳинд-европа феъли ўзининг нейтрал маъносида кейинчалик ўтимлилик ва ўтимсизлик маъноларининг ўсиб чиқиш потенциалига эга бўлиб, объект муносабатларининг ифодаланишига имкон яратади. Дастлаб феълларнинг нейтраллиги ўтимлиликка нисбатан ўтимсизликка анча яқин бўлган. Ўша даврда ўтимсизлик у ёки бу тўлдирувчи билан боғланиш имконига эга бўлган. Ўтимли феъллар тушум келишигини бошқаришда дастлаб лексик белгига эга бўлган бўлса, кейинчалик грамматик белги касб эта бошлади. Зотан, тушум келишигининг воситасиз тўлдирувчи объект функциясини бажаришга хосланиш доираси кенгайиб борди. Кўринадики, тилда ўтимсиз феъллар бирламчи, ўтимли феъллар эса иккиламчи ҳодисадир [Десницкая 1984: 126-136].

Ф.Ф.Фортунатов ва А.А.Шахматовлар ўз концепцияларида, анъанавий тушунчадан келиб чиқиб, феъл воситасиз тўлдирувчини талаб қила олиш ёки талаб қила олмаслигига қараб, ўтимли ёки ўтимсиз феълларга бўлинади, деб таъкидлашади. Фақат ўзлик шаклига (возвратный глагол) эга бўлган “смеяться” сингари феъллар ҳамда “идти” кабилидаги ўзлик шаклига эга бўлмаган феъллар (невозвратный глагол) эса нисбат шаклига эга эмаслар [Криницкайте 1978: 20].

Ю.С.Степановнинг фикрича, ҳинд-европа тилида феълнинг объект билан эмас, балки субъект билан алоқаси муҳим маъно касб этади ва у, Ф.Ф.Фортунатов ва А.А.Шахматовлар сингари, нисбатни синтактик категория сифатида эмас, балки грамматик категория тарзида талқин қилади. Чунки нисбатнинг ҳосил бўлишида гапда синтактик омилар ҳам, феъл шаклларида ўз ифодасини топадиган морфологик кўрсаткичлар ҳам сабаб бўлади. Шу боис, нисбат категорияси икки босқичли (синтактик ва морфология) категория сифатида намоён бўлади [Криницкайте 1978: 23].

А.Н.Савченко ҳинд-европа тилларида феъллар семантикаси эволюциясига тўхталиб, айнан бир феълда ҳам ҳаракат, ҳам ҳолатни ифодалаш имконияти аста-секин йўқола борди ва аста-секин феъллар ўзларининг лексик маънолари бўйича, ҳаракат феълларига ва ҳолат феълларига, ҳаракат феълларида эса аста-секин ўтимлилик ва ўтимсизлик фарклана бошлади. Ўтимсиз феъллардаги ҳолат шакллари ўтимсиз маънога эга бўлишлигини кузатди [Криницкайте 1978: 25-26].

Энг кенг тарқалган фикрга кўра, фақат иш-ҳаракатни билдирган феълларгина пассив ясай олади [Schendels 1979: 116; Jung 1973: 219-220].

Бизнингча, ушбу таъриф унчалик етарли эмас. Чунки ҳолат ёки жараёни билдирган кўпгина феъллар ҳам пассив шаклига эга. Бундай феъллар сирасига, жумладан, немис

тилида *benötigen, brauchen, empfinden, hören, bewundern, lieben, bewohnen, vergessen, verlieren, verschlafen* кабилар киради. Шуларни инобатга олиб, пассивлашиш қоидасини куйидагича бериш мумкин: субъект-объект муносабатларини ифодалайдиган феъллар пассив ясай олади. Бунда субъект эга позициясини эгаллайди [Бу ҳақда қаранг: Шубик 1989: 13]. Мажхул нисбат ҳосил қилолмайдиган феъллар жуда озчиликни ташкил қилади. Бундай феъллар нофаол (недейтельный) муносабатларни ифодалайди. Буларга немис тилида *haben, besitzen, enthalten, bedeuten, darstellen, übersteigen* (булар ҳам баъзида субъект-объект муносабатларини ифодалаб, мажхул шакл ҳосил қила олади); *umgeben, bedecken, begrenzen, erfüllen* (баъзан булар ҳам мажхул шаклга йўл қўяди), *kosten, wiegen, dauern, bekommen, kriegen, erhalten, empfangen, erfahren (empfangen, erhalten* баъзан пассив шаклга эга бўлиши мумкин); *kennen, wissen, behalten* (баъзан психология ва педагогика фанларида ушбу феъллар билан ясалган пассив конструкциялар учрайди); *können, mögen, wollen* (бошқа модал феъллар воситасиз тўлдирувчи билан боғлана олмайди); *freuen, schmerzen, erstaunen, bekümmern, bedrücken* киради. Булардан биринчи уч гуруҳ феъллари ҳам баъзида субъект-объект муносабатларини ифодалаб, мажхул шакл ҳосил қилади. Лекин кейинги икки гуруҳ феъллар бундан истисно.

Адабиётларда шахсиз пассив нисбат ситемасида мустақил ўринга эга бўлиб, у активга ҳам, пассивга ҳам зид ходиса сифатида талқин қилинади [Масалан, қаранг: Шубик 1989: 21].

Шунга ўхшаш фикрни ўзбек тилига оид тадқиқотларда ҳам учратамиз. Чунончи, Ш.Раҳматуллаев ва С.Маҳматқуловларнинг талқинича, “Ўтимсиз феълга қўшиладиган -л аффикси мажхул нисбат шаклини эмас, балки шахсизлик шаклини ҳосил қилади: (У уйга) борди. →(Уйга) борилди, (Икки километр) юрди. →(Икки километр)

юрилди каби. Шахссизлик маъноси мажхуллик маъносидан кескин фарқ қилади. Аслида -л аффикси мажхул нисбат ясовчи бўлиб, бу аффиксдан шахссизлик маъносини ифодалашда ҳам фойдаланилади. Маънодаги кескин фаркни ҳисобга олиб, бу ерда ҳозирги ўзбек тили нуктаи назаридан -л оморфемалари ҳақида гапириш тўғри. Шахссиз феъл кўринишда III шахс шаклида бўлади-ю, лекин III шахс маъноси <...> ифодаланмайди”, яъни бу ерда умуман шахс маъноси ифодаланмаган бўлади. “Мажхул нисбатдаги феъл кўпинча III шахс шаклида ишлатилади ва бунда III шахс маъноси ифодаланмади” [Раҳматуллаев, Маҳматқулов 2006: 36].

Кўринадики, мазкур таърифда шахссиз мажхул нисбат мажхул нисбатлар сирасига киритилмасдан уларнинг доирасидан ташқарида қолиб кетган. Ундай бўлса, III шахс аниқ нисбат шаклида турган синтактик курилмалар ҳам аниқ нисбат сирасига алоқаси йўқ, деб ҳисобланадими?! Бу борада тадқиқотчилар томонидан масаланинг шу жиҳати ёритилмай қолган.

Шунингдек, уларнинг фикрича, тилдаги барча феълларга нисбат парадигмаси ҳос умумий ҳодиса эмас ва шу боис, “аниқ нисбат ва мажхул нисбат зидланиши фақат ўтимли ва ўтимлилашган феъллардагина мавжуд”. Улар ўз ишларининг сўнгида қуйидаги хулосага келишади: “Мажхул нисбат барча ўтимли феъллардан ҳам, орттирма шакли ясалиши оқибатида ўтимлилашган феъллардан ҳам ясалади. Шунга кўра, том маънодаги нисбат деб мажхул нисбатни айтиш лозим. Мажхул нисбат ясалиши учун асос вазифасини бажарадиган феълларни мажхул нисбатга зид қўйган ҳолда аниқ нисбатда, деб белгилаш тўғри. Шунда нисбат парадигмаси икки аъзоли бўлади. Аниқ нисбатда деб, ўтимли феъл лексемалар, шунингдек, орттирма шакли ясалиши билан ўтимлилашган феъллар белгиланади”. Феълларнинг қолган шакллари, яъни ўзлик, биргалик шакллари ва

орттирма шаклининг бир қисми эса “нисбат парадигмасига ёндош ҳодисадир”, деб баҳоланади [Раҳматуллаев, Маҳматқулов 2006: 40].

Тадқиқотчилар ўзбек тилида нисбат категорияси ифодаланишининг турли усул (тур) ларини аниқлаш ўрнига борларини ҳам инкор қилиши ажабланарли бир ҳолдир. Зотан, бошқа тилларда, чунончи, туркий тилларда, қолаверса, биргина ўзбек тилида нисбатнинг ҳар бир кўриниши (диатеза)нинг ўзига хослигини белгилаш борасида кўплаб изланишлар (жумладан, А.Н.Кононов, С.Н.Иванов ва б. туркологларнинг тадқиқотлари) да гап синтаксисини ташкил қилишнинг муҳим жиҳати бўлган субъект-объект муносабатларининг ифодаланишида энг майда-чўйда ҳолатларга эътибор берилаётган бир даврда Ш.Раҳматуллаев ва С.Маҳматқуловларнинг ўзбек тилида феъл нисбатларининг реал мавжуд таркибига бўлган мазкур қарашлари тушунарсиздир. Тўғри, нисбат турлари, жумладан, аниқ нисбат билан биргалик нисбат ўртасида кўп ҳолларда грамматик синонимликни кузатиш мумкин, лекин бу ҳолат уларнинг айнан бир нарса эканлигини кўрсатмайди. Акс ҳолда бу уларнинг ҳар бирининг тилнинг турли сатҳларига оид дифференциал белгиларини кўра олмаслик билан тенгдир. Чунки нисбатнинг ҳар бир тури гапда ўзига хос қурилиш (тузилиш) билан мотивлашгандир.

Дарвоқе, ўзбек тили нисбат шаклларига бағишланган сўнгги тадқиқотларда ўзбек тили системасида ҳануз феълнинг анъанавий беш нисбат тури мавжудлиги таъкидланади [Бу ҳақда қаранг: Шамсиева 2003: 13-16; Рихсиева 2004: 75-77].

Ҳатто қадимги рим ва грек грамматиклари ҳам нисбат системасини ўрганишда мазкур система тилда мавжуд барча феълларни камраб олишини таъкидлашган эдилар [Мучник 1971: 16].

2.4. Энди икки оғиз сўз пассив конструкцияларда субъектнинг четлатилиши ҳамда эга ва кесимнинг мослашуви масалаларига тўхталамиз.

Буни итальян тили мисолида кўриб чиқамиз. Чунончи: *il contadino ammazza i vostri maiali – Si ammazanno i vostri maiali* каби ва рефлексив конструкцияларнинг ҳар иккаласида семантик субъектнинг нейтраллашуви содир бўлмоқда. Бу ерда субъектнинг бевосита ёки анафорик ифодаланишининг имкони йўқ ёки ортикчадир. Субъектнинг объектив жиҳатдан номаълумлиги ёки вазият (ситуация)дан маълум иш-ҳаракат бажарувчисининг атайин атамаслик жиҳатига асосланган субъект ҳақидаги конкрет информациянинг мавжудлигини эслатмаслик каби ҳолатларда барча семантик юк (оғирлик) (семантик нагрузка) ҳаракатнинг ўзига қаратилган бўлади [Алисова 2009: 126].

Таъкидлаш лозимки, пассив ва рефлексив конструкцияларда субъектнинг четлатилиш ҳолати ҳақидаги фикр нафақат итальян тили, балки бошқа ҳинд-европа тиллари материалларида ҳам кузатилади, яъни уларда типологик жиҳатдан умумийлик мавжудлиги кўзга ташланади. Ушбу семантик умумийлик эса грамматик синонимия асосида вужудга келган. Яна шуни қайд қилиш керакки, ўтимсиз предикатнинг морфологик кўрсаткичи сифатида рефлексив шакл субъектнинг ўзида содир бўладиган ҳаракатни кўрсатади. Бунда мазкур субъект бошқа ҳеч қандай предмет тушунчаси билан боғланмаган бўлади.

Бундан ташқари, перфектив замон шаклларида, одатда, пассив қўлланса, имперфектив замон шаклларида эса, яъни узоқ давом этадиган, такрор ёки замондан ташқари жараёнларда рефлексив шакл келади.

Шунингдек, семантик объектни ифодаладиган эга билан кесимнинг мослашув факти мазмун планида ҳеч қандай ўзгаришларга олиб келмайди. Зотан, *mi e stato ordinato prendere questa medicina* (“мне было прописано

принять это лекарство”) шахссиз пассиви ва *mi e stata ordinata questa medicina* (“мне было прописано это лекарство”) шахсли пассиви ифода планининг позицион вариантлари сифатида қаралади [Алисова 2009: 127]. Бирок тил системасида мавжуд бўлган ҳар қандай грамматик шакл (форма), жумладан, пассивнинг ҳар қандай тури муайян семантика (функция)ни ташишга мўлжалланган бўлади.

Шундай бўлса-да, актив конструкция ва унинг пассив трансформи, улардаги элементлар семантик структуранинг ўхшашлигига қарамасдан, синоним бўлолмайди, чунки улар ўзларининг конкрет семантик таркиби билан бир-биридан фарқ қилади: актив конструкция эга позициясида турган конкрет семантик субъектни тақозо этса, пассив конструкция эса, аксинча, ушбу субъектнинг нейтраллашувига хизмат қилади.

Шу билан бирга, пассив конструкциянинг ушбу функцияси ўз навбатида агенс тўлдирувчи (N4)позициясини тўлдириш йўли билан ҳам нейтраллашиши мумкин. Бу эса конструкциянинг дастлабки семантик таркибга қайтишини англатади. Бинобарин, бу ҳолатда пассив конструкция, унинг актив синоними сингари, ўзининг тўғри сўз тартиби билан дастлабки актив конструкцияга қарши қўйилади [Алисова 2009: 130].

2.5. Шуни қайд қилиш керакки, Ш.Раҳматуллаев ва С.Маҳматқуловлар таъкидлаган конструкцияларни нисбат парадигмасига дахлдор эмас, деб тушуниш лозимми?! Ёки улар аниқ нисбатнинг кўринишларими?! Бизнингча, муаллифлар бу масалага ҳам аниқлик киритишлари лозим эди. Бундан ташқари, мазкур муаллифлар “том маънодаги нисбат деб мажхул нисбатни айтиш мумкин” деган фикрни билдиришган. Ҳақиқий нисбат деб аталаётган мажхул нисбат феъл нисбатлари оппозициясида аниқланганми? Агар шундай бўлса, бу мажхул нисбатдан бошқа нисбат тури борлигига ишора-ку!

Шу муносабат билан куйидаги фикрни келтириш ўринли деб хисоблаймиз: “Залог как грамматическая категория охватывает все глаголы. Глаголов, стоящих вне залога, не существует. Таким образом, к сфере залога относятся и неопределенно-личные конструкции типа “Статью пишут, К вам пришли”, и обобщенно-личные предложения типа “Позавидуешь таким людям, Его не проведешь”. В этих случаях в одной и той же словоформе представлен и глагольный признак, и его носитель, выступающий как неопределенное или обобщенное лицо. В безличных конструкциях типа “Светает” носитель глагольного признака отсутствует. Конструкции обобщенно-личная, неопределенно-личная и безличная относятся к активу, а глаголы в них- к глаголам действительного залога” [Internet site: www.rusgramm.narod.ru].

XX аср тилшунослигининг йирик вакили О.Есперсен хам нисбат категориясини ёклаб шундай дейди: “Мы употребляем формы действительного или страдательного залога в зависимости от того, из какого первичного компонента предложения мы исходим: Jack loves Jill u Jill is loved by Jack в основном означает одно и тоже, но они не во всех отношениях полностью синонимичны; поэтому наличие обеих конструкций не является излишним” [Есперсен 1958: 190].

3. Ўтимли ва ўтимсиз феълларнинг объектга муносабати. Ўтимли ва ўтимсиз феълларнинг хусусиятларидан яна бири – уларнинг объектга муносабати. Одатда, феълнинг ушбу белгиси унинг (феълнинг) лексик маъноси билан боғланади. Хусусан, рус тилида тушум (винительный) келишкни бошқарадиган феъллар (колоть дрова, белить потолок, читать книгу, любить детей) (агар гапда инкор маъно ифодаланса, винительный келишиги доимо қаратқич (родительный) келишиги билан алмашади: читал книгу – не читал книги) ўтимли феъллар сирасига

киради. Кўринадики, ўтимли феъллар объектга йўналтирилган ҳаракатни ифодалайди. Ҳаракат объекти ўз хусусиятига кўра бир неча турга бўлинади:

1) ҳосил қилинадиган (яратиладиган) объект (объект создаваемый) строит дом;

2) ўзгарувчан объект (объект изменяемый): белить потолок, колоть дрова;

3) йўқ қилинадиган объект (объект уничтожаемый): жечь письма, бить посуду;

4) объектда ҳеч қандай ўзгариш ҳосил қилмайдиган ҳаракат (воздействие на объект, не производящее в нем никаких изменений): читать книгу, благодарить отца, поздравлять сестру, хвалить ученика, одобрить идею;

5) хис-туйғу ифодаладиган ўтимли феъллар (переходные глаголы, называющие чувственные восприятия): видеть картину, слушать музыку, чувствовать боль;

6) муносабатни ифодаладиган ўтимли феъллар (переходные глаголы, называющие отношение): любить человека, ненавидеть врача.

Ўтимсиз феъллар ҳам ўз навбатида бир неча турга бўлинади ҳамда қуйидагиларни ифодалайди:

1) физик ҳолат ва рухий ҳолат (физическое и психическое состояние): болеть, спать, грустить, радоваться;

2) ҳаракат (движение): бежать, бегать, идти, ходить, плить, ехать, мчаться;

3) мавжуд бўлиш (существование): жить, быть, существовать;

4) макондаги ҳолат (положение в пространстве): стоять, сидеть, лежать;

5) белгини аниқлаш ва тиклаш (выявление и становление признака): белеть, краснеть, расти, таять, сохнуть;

6) касбий ёки нокасбий машғулот (профессиональное или непрофессиональное занятие): слесарничать, учительствовать, кашеварить;

7) хусусият ёки қобилиятни аниқлаш (выявление свойств или способностей): лентяйничать;

8) қила олиш (умение): говорить по-французски.

Таъкидлаш керакки, кўп маъноли феъллар бир ҳолатда ўтимли, бошқа ҳолатда ўтимсиз бўла олади. Масалан, “читать” ўтимли феъл бўлиб, “ёзилганни қабул қилмоқ” (“воспринимать написанное”) маъносида тушум (винительный) келишиқни бошқаради: читать книгу, письмо; бироқ ушбу феъл “ёзилганни қабул қила олиш” (“уметь воспринимать написанное”) маъносида келганда, ўтимсиз феълга айланади: Малыш уже читает; “Заниматься чтением”: Малыш сидит и читает. Сўнгги ҳолатда бутун эътибор объектдан абстракциялашган жараённинг ўзига қаратилган бўлади. Одатда, бундай ҳолатлар феълнинг мутлак (абсолютив) қўлланиши деб юритилади [www.rusgram.narod.ru].

Бундай ҳолатни герман тилларида ҳам кузатиш мумкин. Чунончи, инглиз тилида деярли ҳар қандай феъл симметрик хусусиятга эга. Бунда феълнинг ўтимли ёки ўтимсиз маънони ифодалаши фақат синтактик сатҳда аниқланади [Қаранг: Ярцева 1961: 62].

Шунга ўхшаш фикрни бошқа бир таниқли германист А.М.Мухин қуйидагича изҳор этади: “Феълларда ўтимлилик тушунчаси, шунингдек, ҳаракат объектини ифодалаш герман тилларида нисбатларни аниқлашда таянч вазифасини ўта олмайди. Қуйидаги инглизча *The bed had not been slept in* гапида мажҳул нисбатни феълнинг ўтимлилик тушунчаси ёрдамида аниқлаб бўлмайди. Шу муносабат билан аниқ нисбатдаги *He had not slept in the bed* гапини қиёслаш ўринлидир”. Демак, ҳар қандай нисбат тури гап таркибидагина аниқланади. Зотан, гапда унинг

компонентлари бир-бирини тақозо этади, яъни гапда синтактик алоқа икки томонли алоқа туфайли ҳосил бўлади [Қаранг: Мухин 1973: 141]. Бунга ўз вақтида А.Х.Востоков ҳам эътибор қаратган эди: феъл нисбати унинг конкрет синтактик алоқаларига боғлиқ ҳолда аниқланади [Мучник 1971: 22].

Ўзлик феъллари (возвратные глаголы) нинг маъноларини батафсил ўрганган Ф.И.Буслаев бу борада қуйидагиларни таъкидлайди: “Употребление возвратного глагола в значении среднего, взаимного, страдательного или собственно возвратного залога зависит от смысла, данного этому глаголу в предложении. Так, например, «драться» в предложении «больно дерется» (т.е. силен в драке) есть глагол средний, а в предложении «дерется с неприятелем» - глагола взаимный; «умываться» - в предложении «он каждое утро умывается» (т.е. умывает себя) – глагол возвратный, а в предложении «лицо умывается (т.е. бывает умываемо) холодной водой» - глагол страдательный [Мучник 1971: 27-28]. Муаллифнинг ўзлик феълнинг турлича стилистик қуршовда келишига қараб, унинг муайян маъносини аниқлаши кўпчилик мутахассислар томонидан тан олинган конструкциянинг ўрни ва аҳамиятига тўғри баҳо бериш билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш керакки, рефлексив феъллар билан ясалган пассив конструкциялар ҳеч қачон ҳолатни ифодаламайди. Уларда ҳар доим ҳаракат англашилиб туради: Вагоны, столбы, люди, все, что было видно – было занесено снегом и заносилось все больше и больше (Л.Толстой) [www.rusgram.narod.ru].

Шунингдек, юқоридагилар актив ва пассив конструкцияларнинг бир синтактик парадигманинг аъзолари эканлигини ҳамда улар бир-бирига ўтганда маъно (инвариант) нинг эквивалентлиги сақлаб қолишлигини намоён этади.

4. Хулоса. Кўринадики, тилшуносликда, жумладан, турлича структураларга эга бўлган немис, инглиз, итальян, рус ва ўзбек тилларида феъл нисбати ҳақидаги таълимотнинг муҳим жиҳатлари бўйича, хусусан, унинг мазмун ва шаклий томонлари, нисбат оппозициясида иштирок этадиган граммемаларнинг сони ва таркиби, нисбатнинг ўтимлилик / ўтимсизлик / рефлексивлик ва шахссизлик каби ходисалар билан муносабатидаги қарашларда ханузгача яқдиллик сезилмайди. Қарашлардаги бу каби турли-туманлик эса ўз навбатида мазкур масала бўйича тадқиқот методикасининг бойишига олиб келиб, нисбатга хос белгиларни аниқлашга ёрдам беради. Буларнинг орасида нисбатнинг бинар назарияси устуворлик қилмоқда. Бунга кўра, феъл аниқ ва пассив нисбат турларига эга ва тил системасидаги барча феълларни қамраб олади.

Хуллас, “тил структурасининг бирор сатҳига оид масалаларни ҳал қилишда тилнинг бошқа сатҳларидаги воқеа ва ходисалар билан бўладиган барча алоқаларини инobatта олиш муҳимдир. Бу нафақат лисоний ходисаларга, балки тадқиқотларнинг методологик томонларига ҳам тегишлидир” [Ломтев 1976: 5].

Мавзуга доир савол ва топшириқлар

1. Нисбатга таъриф беринг.
2. Феъллардаги ўтимлилик ва ўтимсизлик дейилганда нимани тушунасиз?
3. Рефлексив феълларнинг нисбатга қандай алоқаси бор?
4. Нисбатнинг гапдаги субъект-объект муносабатини мисолларда тушунтириб беринг.

**5-МАВЗУ. НИСБАТ КАТЕГОРИЯСИ ГАПЛАРДА
СУБЪЕКТ-ОБЪЕКТ МУНОСАБАТЛАРИНИ
ИФОДАЛОВЧИ АСОСИЙ ВОСИТА СИФАТИДА**

(2 соат)

Режа:

1. Нисбат ва субъект-объект муносабатлари.
2. Нисбат конструкцияларига ҳос грамматик **белгилар**.
3. Хулоса.

Адабиётлар

1. Адмони В.Г. Строй современного немецкого языка. 2-е издание. – М. – Л.: Просвещение, 1966. – 284 с.
2. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. 2-е издание. – М.: Просвещение, 1989. – 254 с.
3. Бондарко А.В. Грамматическая категория и контекст. – Л.: Наука, 1971. – 116 с.
4. Вандриес Ж. Язык. – М., 1937.
5. Виноградов В.В. Русский язык (грамматическое учение о слове). Издание второе. – М.: Высшая школа, 1972. – 616 с.
6. Глаголев Н.В. Лингвистическая основа экономии и избыточности в синтаксисе разговорной речи (на материале немецкого языка) // Ученые записки МГПИИЯ им. М. Горького, Т. 37, 1967.
7. Девкин В.Д. 1) Особенности разговорного синтаксиса (на материале немецкого языка) // Вопросы немецкой разговорной речи. – М., 1974. 2) Немецкая разговорная речь. Синтаксис и лексика. – М.: Международные отношения, 1979. – 256 с.
8. Есперсен О. Философия грамматики. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1958. – 404 с.

9. Карпов Н.П. Особенности структуры разговорной речи // структурные особенности разговорной речи. – Иркутск, 1963.

10. Крашенинникова Е.А. Новое в немецкой грамматике. Выпуск 1, Обзор зарубежных работ по морфологии. – М.: Госучпедиз, 1960. – 152 с.

11. Панфилов В.З. О залоге глагола в нивхском языке // Вопросы грамматики. – М. – Л.: Изд-во АН, 1960. – С. 103 – 121.

12. Пауль Г. Принципы истории языка. – М., 1960.

13. Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т. VI: Глагол. Местоимение. Числительное. Предлог. – М. – Л.: Изд-во АН, 1941. – 320 с.

14. Холодович А.А. Залог // Категория залога. – Л.: Изд-во АН, 1970.

15. Храковский В.С. Конструкции пассивного залога (определение и исчисление) // Категория залога. – Л., 1970.

16. Шендельс Е.И. Грамматика немецкого языка. – М., 1954.

17. Шубик С.А. Категория залога и поле залоговости в немецком языке. – Л.: Наука, 1989. – 124 с.

18. Blatz F. Neuhochdeutsche Grammatik, Bd. II. Satzlehre. – Karlsruhe, 1896.

19. Boost K. Arteigene Sprachlehre. – Breslau, 1938.

20. Brinkmann H. Die deutsche Sprache. – Düsseldorf, 1971.

21. Budde E.H. Vom deutschen und englischen Passiv // Muttersprache, 1956, Heft 10. – S. 384-388.

22. Helbig G., Buscha J. Kurze deutsche Grammatik für Ausländer. – Leipzig: VEB Verlag Enzyklopädie, 1974. – 294 S.

23. Helbig G. Zum Problem der Genera des Verbs in der deutschen Gegenwartssprache // Deutsch als Fremdsprache, 1968, H.3.

24. Helbig G., Buscha J. Deutsche Grammatik. Ein Handbuch für den Ausländerunterricht. – Leipzig: VEB Verlag Enzyklopädie, 1974. – 629 S.

25. Renicke H. Das neuhochdeutsche Passiv // Zeitschrift für die Philologie, 76, 1957.

Таянч иборалар

Нисбат категорияси, актив, пассив, статив, рефлексив, субъект, объект, феъл, ўтимлилик, ўтимсизлик.

1. **Нисбат ва субъект-объект муносабатлари.** Нисбат категорияси барча тилларда энг муҳим ва энг мураккаб грамматик категориялардан биридир. У инсон фаолиятида субъект-объект муносабатларини ифодалашда асосий восита сифатида марказий ўринни эгаллайди, яъни нисбат асосий инвариант маънонинг варианти сифатида ушбу муносабатларни руёбга чиқаришда фаол иштирок этади.

Ҳинд-европа тилларида нисбат категориясини ўрганиш бўйича жуда кўп тадқиқотлар амалга оширилди. Нисбатга хос грамматик белгиларни аниқлаш борасида ҳам жуда катта ҳажмда фактик материал тўпланди. Шундай бўлса-да, нисбатнинг асосий масалалари бўйича баҳслар камайиш ўрнига, аксинча, кўпайди.

Ушбу мунозарали жиҳатларга, жумладан, қуйидагилар қиради: мазкур категориянинг мазмуни унинг формал жиҳатларига зидланиши; нисбат оппозициясидаги граммемаларнинг таркиби: айрим тилшунослар, чунончи, немис тилида фақат актив (das Aktiv) ва пассив (das Passiv) билан чекланса, бошқалари уларнинг қаторига статив (das Stativ) ни ҳам, учинчи гуруҳ мутахассислар эса уларнинг таркибига рефлексивни ҳам киритишади; нисбатнинг феъллардаги ўтимлилик / ўтимсизлик (транзитивность / интранзитивность), ўзлик ва шахсизлик каби ҳолатларга

муносабати; шулар каторида нисбатнинг таърифи каби масалалар ва б.

Қуйида шу белгилардан айримларига, аниқроғи, нисбатнинг мақоми ва таърифига эътиборни қаратамиз.

Дастлаб феъл нисбатига берилган таърифлардан намуналар келтирамиз.

Шуни таъкидлаш керакки, барча тадқиқотларда таъриф беришда, кўпинча, умумийлик сезилса-да, уларда ўзига хосликлар ҳам йўқ эмас.

Чунончи, Ж.Вандриеснинг фикрича, феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг эга билан ўзаро муносабатида акс этадиган ўзига хос кўриниши нисбатни ташкил этади. Бунда иш-ҳаракат ёки эга томонидан амалга оширилган, ёки иш-ҳаракат таъсирида бўладиган, ёки эганинг иштирокида унинг манфаати йўлида ошириладиган иш-ҳаракат сифатида талқин қилинади [Вандриес 1937: 102-103].

В.В.Панфилов эса эга ва тўлдирувчининг иш-ҳаракат субъекти ва объекти билан ўзаро муайян муносабатида хос хусусиятини нисбат, деб билади [Панфилов 1960: 103].

Инглиз тилида нисбат категорияси ўзининг морфологик ифодасини феъл шаклида топадиган ҳаракат субъекти ва объекти ўртасидаги турли муносабатларни ифодалайдиган феъл категориясидир. Шунга кўра, инглиз тилида нисбат икки турга: актив ва пассивга эга.

Кўпгина тилларда субъектнинг ҳаракатга муносабати ўз ифодасини феълнинг шахс қўшимчаларида топади; ҳаракатнинг объектга муносабати эса тил типологиясидан келиб чиққан ҳолда келишикли бошқарув ёки битишув билан ифодаланади. Нисбат категорияси барча ўтимли феълларга ҳамда ўтимлилик семасига эга бўла оладиган ўтимсиз феълларга хос. Пассив аналитик шакл бўлиб, у ... ва тусланувчи феълнинг сифатдошидан ташкил топади [Аракин 1989: 127-129].

А.В.Бондарко нисбатга алоқадор барча лисоний воситаларни инобатга олган холда, уни (=нисбатни) нисбатлик тушунчаси билан номлайди: нисбатлик категорияси ҳаракатнинг субъект ва объектга бўлган муносабатининг лисоний семантик интерпретациясини ифодалайдиган воситаларни қамраб олади. Лисоний бирликларга нисбатга алоқадор аниқ ва мажхул нисбатлар оппозицияси билан бир қаторда ўзларининг хусусий умумий семантик функциялари билан нисбатга алоқадор ўзлик / ноўзлик (возвратность / невозвратность) ва ўтимлилик / ўтимсизлик оппозициялари ҳам киритилади. Муаллиф феълнинг нисбатлик категориясини аниқлашда функционал-семантик категория (=майдон) тушунчаси доирасида иш кўради: “Функционально-семантическая категория не относится к какому-либо одному языковому уровню или аспекту. Она порождается элементами разных уровней, разных сторон языка. С этой точки зрения она может трактоваться как своего рода « комплексная» категория”, т.е. в категории залоговости перекрещиваются морфологические, синтаксические, лексико-синтаксические и словообразовательные элементы” [Бондарко 1971: 10-25, 55].

Бизнингча, лексик ва морфологик унсурларнинг интеграцияси синтактик сатҳнинг ҳосил бўлишига хизмат қилади, яъни лексик ва грамматик воситалар қуйи ифода плани сифатида юқори ифода плани – синтактик сатҳни вужудга келтириб, мазмун плани – нисбатнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

В.В.Виноградов эса нисбатнинг ҳажмини янада кенгрок тушунади: Категория залога “лежит <...> на самой пограничной черте между грамматикой, лексикологией и фразеологией”. Нисбат ўзининг узил – кесил мақомини синтаксисда топади: “В области грамматики” стоит “ближе к синтаксису предложения, чем к морфологии слова” [Виноградов 1972: 476].

Бинобарин, ўзининг А.А.Потебня сингари забардаст ўтмишдошларининг нисбатга бўлган муносабатларини чуқур таҳлил қилган акад. В.В.Виноградов ҳам нисбатнинг синтактик ходиса ва ундаги кесим ифодалаган ҳаракатнинг субъект ва объектга нисбатан муносабати инвариант эканлигини алоҳида таъкидлайди.

А.А.Холодович нисбатга қуйидагича таъриф беради: синтактик сатҳ бирликлари билан семантик сатҳ бирликлари ўртасидаги мосликларнинг феълда доимий равишда ифодаланиши феъл нисбатини ташкил қилади [Холодович 1970: 13].

Бизнинг фикримизча ҳам кейинги таъриф нисбатнинг табиатини бир қадар тўла очиб беришда қўл келиши мумкин, чунки бунда нисбатнинг формал-грамматик структураси билан семантик структураси ўртасидаги ўзаро муносабати инобатга олинган.

Юқоридаги мулоҳазалар нисбатни аниқлашда дастлаб гапнинг грамматик ва семантик бирликларининг ўзаро муносабатига эътиборни қаратиш кераклигини кўрсатади. Мазкур муносабат, одатда, икки хил кўринишга эга, яъни:

1) Иш-ҳаракат эга денотатдан чиқиб, тўлдирувчи денотатга йўналтирилган бўлади. Бунда грамматик эга семантик эгага, грамматик тўлдирувчи семантик объектга мос тушади. Бундай ҳолат актив конструкцияларда кузатилади;

2) Иш-ҳаракат воситали тўлдирувчи денотатдан чиқиб, эга денотатга йўналтирилган бўлади. Бу ерда грамматик эга семантик объектга мос тушади. Кейинги ҳолат пассив конструкцияларга хос хусусиятдир.

Кўринадикки, ушбу муносабат доимий равишда феъл-кесим томонидан бошқарилади, яъни мазкур ўзаро муносабат феъл-кесимнинг тегишли актив ва пассив шакллари томонидан доимий равишда ифодаланиб турилади.

Шунингдек, адабиётларда актив билан пассив ўртасидаги фарқни муаллиф (сўзловчи, ёзувчи) нинг борлиқдаги айнан бир нарса-предметга, воқеа-ҳодисага турлича нуқтаи назарда қарashi, деб таъкидланади: „Das Vorgangspassiv unterscheidet sich vom Aktiv jedoch durch eine verschiedene Blickrichtung auf das Geschehen“ [Helbig, Buscha 1974: 140]. Аслида ҳам шундай.

Энди нисбат турларининг немис тилидаги ҳолатига назар ташлаймиз. Аънага кўра, немис тили системасида феъл нисбатининг икки тури бор, деб ҳисобланади: актив ва пассив. Германистларнинг бу борадаги қарашларидан айримларини келтирамиз.

Х.Паулнинг таъкидлашича, активда тўлдирувчининг грамматик шаклини оладиган психологик эганинг грамматик эгага айлантириш имкони пассивни ташкил қилади [Пауль 1960: 334].

Н.Brinkmann фикри ҳам юқоридагиларга ўхшаш: активда аккумулятивда объект вазифасида келганнинг пассивда номинативда субъект вазифасида келиши пассив нисбатни ҳосил қилади [Brinkmann 1971: 204].

Кўринадики, пассив шундай феъл шаклики, унда агенс ўрнида келган сўз эга позициясида келмайди [Храковский 1970: 25].

Таъкидлаш жоизки, XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб айрим тадқиқотчиларнинг қарашлари феъл нисбати таркибига нисбатан ўзгарди. Уларнинг фикрича, немис тилида актив ва пассив билан бир қаторда нисбатнинг яна бир тури – статив ҳам мавжуд.

Жумладан, F.Blatz стативни қуйидагича аниқлайди: sein + Partizip II конструкцияси ёрдамида ифодаланган турғун ҳолат стативдир [Blatz 1896: 493].

К.Boostнинг фикрига кўра ҳам sein + Partizip II конструкцияси ёрдамида ифодаланган ҳолат стативдир. У

werden + Partizip II конструкциясига ҳолат/жараён белгиси билан зидланади [Boost 1938: 76].

H.Renicke стативга қуйидагича таъриф беради: статив – бу тугалланган иш-ҳаракат натижаси [Renicke 1957: 382].

G.Helbig стативни тубандагича тавсифлайди: олдин бўлиб ўтган динамик иш-ҳаракат натижасининг ифодаланиши стативдир [Helbig 1968: 141]. G.Helbig J.Buscha билан ҳамкорликда ёзган бошқа бир ишида стативнинг тўғридан-тўғри активдан эмас, балки, одатда, пассивдан ясалишини таъкидлайди: „In der Regel wird das Zustandspassiv (статив) nicht direkt vom Aktiv (актив) abgeleitet; diese Ableitung verläuft im Normalfalle über das Vorgangspassiv (пассив)“ ва бунга қуйидаги мисолларни келтиради:

Пассив

Ich werde geimpft.

(Präsens)

Ich wurde geimpft.

(Präteritum)

Ich bin geimpft worden.

gewesen. (Perfekt)

Ich war geimpft worden

gewesen. (Plusquamperfekt)

Ich werde geimpft werden.

sein. (Futur I)

Ich werde geimpft worden sein.

gewesen sein. (Futur II) [Helbig, Buscha 1974: 136, 147].

Е.И.Шендельс ҳам шунга ўхшаш талқинни берган: статив эга ҳолатининг ифодаланиши бўлиб, у (ҳолат) муайян иш-ҳаракат натижасида ҳосил бўлади [Шендельс 1954: 135].

В.Г.Адмони талқинича, немис тили гапларида феълнинг субъект ва объектга муносабати икки хил бўлади. Феъл субъектдан воситасиз объектга йўналтирилган ҳаракатни ифодаласа, бундай шакл актив шакл (актив) дейилади: *Arbeiter bauen Maschinen; Er erwartet den Freund.* Феъл

ифодалаган ҳаракат субъектдан чиқмасдан унга қаратилган бўлса, феълнинг бундай шакли *пассив шакл* (*пассив*) дейилади. *Пассив* ҳам *актив сингари* айнан бир хил шакллар тизимига эга. *Sein + Partizip II* (ўтимли феълларнинг сифатдош II шакли) ҳолат шакли (*Zustandsform*) ни билдириб, кўп жиҳатлари билан *пассивдан* фарқ қилади. Биринчидан, *пассив* *аналитик шакл*, яъни унинг қисмлари ўзларининг грамматик маъноларини йўқотган бўлади. Аксинча, ҳолат шакли эса ўз таркибий қисмларининг маъноларини тўлиқ саклайди, яъни бу ерда умумий семантика (маъно) компонентлар йиғиндисидан ташкил топади. Иккинчидан, ҳолат шакли (*Zustandsform*) ҳаракат жараёнини эмас, балки унинг натижасини, жараён (*Vorgang*) ни эмас, балки унинг тугалланганлигини ифодалайди: *Die Tür ist geöffnet*. *Пассив* нафақат ўтимли, шунингдек, ўтимсиз феъллардан ҳам ҳосил бўлади: *Hier wird getanzt*. Бу эса, айрим тадқиқотчилар таъкидлаганидек, *пассив* *активнинг* тескари шакли эмас, балки тил структурасида мавжуд бўлган мустақил шаклдир. *Пассивнинг* *актив сингари* мустақил равишда мавжуд бўлишига яна бир сабаб – у гапда *активдан* фарқ қиладиган коммуникатив вазифани ўтайди: *Der Kontrolleur prüft die Qualität der Ware* гапида *die Qualität der Ware* коммуникатив янги вазифасини ўтаса, *Die Qualität der Ware wird von einem Kontrolleur geprüft* гапида *агенси (von einem Kontrolleur)* коммуникатив жиҳатдан янги вазифасини бажаради. Бу *актив* ва *пассив* бир-бири билан боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақозо қилади дегани. Улар айнан бир маънони фақат турлича модификацияда намоён қилади. Уларни ўзаро муносабатдагина тушуниш мумкин.

Пассив конструкцияларнинг бир кўриниши бўлган шахсиз *пассивда* бутун эътибор кесим ифодалаган ҳаракатга қаратилган бўлиб, у фаол ҳаракатни англатади.

Er eilt sich сингари рефлексив конструкциялар ўзига хос грамматик гуруҳ деб ном олган феъллар билан феъл

нисбати ўртасида оралиқ ҳодисани ҳосил қилади. Шахссиз рефлексив шахссиз пассив билан синоним бўла олади, яъни уларнинг ҳар иккаласида ҳам сўзловчининг асосий эътибори ҳаракатга қаратилади.

Шундай қилиб, немис тилида аккумулятивни талаб қиладиган феъллардан ясалган ҳаракат шакллари системасига фақат актив ва пассив нисбатлар киради [Адмони 1966: 177-183].

С.А.Шубик эса актив ва пассивлар оппозициясига стативни эмас, балки тотивни киритиб, биринчи бор нисбатлар оппозициясини бошқача тасаввур қилишга ундайди. Унингча, ҳозиргача шахссиз пассив, деб юритиб келинган шахссиз конструкция (*Es wird gelacht; Dort wird gegessen; Dem Professor wurde gedankt*) семантик ва макоми жиҳатидан пассивлик маъносига эга эмас. Тотив ўзининг синтактик структураси бўйича бир хил равишда ҳам активга, ҳам пассивга зид туради. Субъект ва объект бу ерда иккинчи даражали мавқега эга, яъни шахссиз конструкциялар синтактик структурасининг ўзига хослиги, эга ва тўлдирувчи позициялари зидланишининг мавжуд эмаслиги феъл шахссиз шаклларининг семантик хусусияти билан боғлиқ [Шубик 1989: 47-51].

Немис германистлари Gerhard Helbig ва Joachim Buscha лар немис тилида феълнинг актив (*das Aktiv*), пассив (*das Vorgangspassiv*) ва статив (*das Zustandspassiv*) каби нисбат турлари борлигини таъкидлашади. Пассив ўз навбатида бир бўлакли – шахссиз пассив (*eingliedrige Passivkonstruktion: Es wird getanzt*), икки бўлакли пассив (*zweigliedrige Passivkonstruktion: Er wird gelobt*) ва уч бўлакли пассив (*dreigliedrige Passivkonstruktion: Er wird vom Lehrer gelobt*) ларга бўлинади. Бу уларнинг синтактик қурилиши бўлса, улар ўзларининг семантик структуралари билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Пассив актив сингари, объектив борлиқдаги айнан бир хил воқеа-ҳодисани ифодаласа-да,

пассив активдан фаркли равишда нарса-предметга бошқача нуқтаи назарда қарайди. Актив фаол ҳаракатни, пассив жараёни, статив эса жараён натижасини ифодалайди [Helbig, Buscha 1974: 60-63].

Икки ва уч бўлакли пассив конструкцияларнинг субъект-объект муносабатида гапларнинг субъект ва предикат муносабати икки таркибли (эга ва кесим) гапларни ҳосил қилиб, предикативликни намоён этса, бир бўлакли пассив конструкцияларда эса ушбу муносабат бир таркибли гаплар иштирокида ҳосил бўлади ва предикативлик ифодаланмади. Кейинги ҳолатда бош бўлак (=кесим) нафақат ҳаракат, ҳодиса ва предметни кўрсатади, шунингдек, у борлиққа муносабатни ҳам ифодалаб, ҳар қандай гап учун муҳим бўлган белги – предикативни ҳосил қилади. Бундай гаплар структурасида шахс маъноси эксплицит ифодаланмаган бўлса-да, ҳаракатнинг шахс фаолияти билан боғлиқлиги шундайгина феъл-кесимнинг маъносидан билиниб туради ва шу боис, унинг субъект сифатидаги иштироки хаёлан тасаввур этилиб, предикат (=кесим) билан биргаликда гапнинг предикативлигини вужудга келтиради.

Ушбу талқинлар ҳамда мазкур сатрлар муаллифи олиб борган изланишлар қуйидаги хулосага келиш имконини яратди: статив бу ўзидан олдин бўлиб ўтган иш-ҳаракат натижаси бўлган эга (=паиенс) ҳолатининг ифодаланишидир.

Демак, ҳозирги немис тилида феъл нисбатининг уч тури: актив, пассив ва статив мавжуд.

Шу билан бирга, адабиётларда активдан бошқа нисбат турларига нисбатан салбий муносабатда бўлган қарашларга ҳам дуч келамиз. Бунга кўра, немис тили системасида пассивнинг қўлланишига ҳожат йўқ, чунки унинг маъносини ифодалаш учун кўпгина бошқа имкониятлар мавжуд. Кейинги ҳолатда *man* билан келган конструкция ҳамда активнинг бошқа конструкциялари назарда

тутилади. Чунончи, Э.Г.Будде бу ҳақда шуларни изҳор қилади: «Немецкий язык “не расположен” к пассиву» [Budde 1956: 388]. Ёки: «Он (=пассив) все же бывает просто не нужен, так как для передачи его значения существуют многие другие возможности» [Крашенинникова 1960: 102].

Агар пассив немис тилига хос ҳодиса бўлмаса, унинг немис тили структурасида – катта ҳажмдаги бадий асарларда, публицистикада, илмий адабиётларда, оғзаки нутқда учрашини нима билан изоҳлаш мумкин?! Тўғри, пассив ўрнида баъзи ҳолатларда *тап* конструкцияси ва бошқа актив конструкциялар кела олади. Бу улар ўртасидаги синонимияликдан дарак беради. Бу, биринчидан. Иккинчидан, пассив активга нисбатан кам қўлланиш частотасига эга бўлса-да, у барибир, юқорида таъкидланганидек, тилда мавжуд лисоний ҳодиса.

Бу борада рус тилшуноси В.И.Даль Е.Н.Будде дан ҳам ошиб тушди. В.И.Даль нафақат пассивга, балки умуман нисбатга ўзининг салбий муносабатини қуйидагича изҳор этади: «Для самого русского языка они (=залог) дело вовсе постороннее, случайное» [Виноградов 1972: 481]. Далнинг ушбу қараши ўз даврида машхур тилшунос А.А.Потебня томонидан қакшатқич зарбага учрагани: «Выражение “глагол такой-то переходит в такой-то залог” мы должны понимать таким образом, что перед нами два различные, но однозвучные глагола, принадлежащие к двум различным залогам, и что глаголы эти находятся между собою в отношении исторического преемства. Понимаемый таким образом переход глагола из одного залога в другой не есть доказательство отсутствия залога в языках .<...>. Доказывать отсутствие, или, что то же, несущественность категорий залога в русском языке тем, что якобы один глагол якобы может иметь несколько или все залог, - это все равно, что доказывать, что мы не сознаем разницы между *scriber* и *pingere*. «Случайность» залога в глаголе, как и всякая

случайность, есть незнание причинной связи явления с другими. Навязывать же своего собственного непонимания изучаемому предмету не следует» [Потебня 1941: 198-199].

XX аср тилшунослигининг йирик вакили О.Есперсен ҳам нисбат категориясини ёқлаб шундай дейди: «Мы употребляем формы действительного или страдательного залога в зависимости от того, из какого первичного компонента предложения мы исходим: *Jack loves Jill* и *Jill is loved by Jack* в основном означают одно и то же, но они не во всех отношениях полностью синонимичные; поэтому наличие обеих конструкций не является излишним» [Есперсен 1958: 190].

Кўринадики, нисбат категорияси нафақат бир тил структурасига, балки кўпгина тилларга хос бўлган универсал синтактик ҳодисадир. У гапларнинг субъект-объект муносабатларини ташкил этади, бу эса унинг тил системаси учун муҳим структур бирлик эканлигидан дарак беради. Дарвоқе, нисбат конструкцияларидаги мазкур субъект-объект муносабатлари сўзловчининг мақсадидан келиб чиқиб турлича бўлиши мумкин, яъни равон, кетма-кетлик маъносига эга нутқ яратиш учун бир ҳолда актив маъқул бўлса, бошқасида пассив ёки статив тўғри келади. Бошқача айтганда, ҳар бир конструкция гапнинг умумий семантик услубидан келиб чиққан ҳолда шаклланади ва муайян субъект-объект муносабатни ифодалашда иштирок этади. Зотан, “нисбат категориясининг тараққиёти гапларнинг субъект-объект қурилиши тарихи билан боғланган бўлади” (А.В.Попов) [Виноградов 1972: 488].

Бинобарин, бунда тилнинг формал-грамматик ва семантик планларининг ўзаро таъсири намоён бўлади.

2. Нисбат конструкцияларига хос грамматик белгилар. Феъл нисбатларидан пассив ва статив конструкциялар тадқиқотчилар томонидан немис тили бадийи ва илмий-техникавий адабиёт матнлари материаллари

асосида бир қадар ўрганилган бўлиб, мазкур тил бирликларининг немис тили кўчирма гапларидаги қўлланиши эса ханузгача махсус тадқиқ қилинмаган. Шу боис, ушбу бўшлиқни тўлдириш тадқиқотимиз мақсадини ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, кўчирма гап у ёки бу даражада ёзма нутқ таъсирида бўлади, яъни муаллиф томонидан бир қадар ишланган бўлиб, тўлалигича сўзлашув нутқиға мос келмайди. Шундай бўлса-да, кўчирма гапда ҳам сўзлашув нутқиға хос хусусият маълум даражада ўз ифодасини топган бўлади. Демак, кўчирма гапни тадқиқ қила туриб, биз сўзлашув нутқининг ўзига хос жиҳатларини ҳам ўрганамиз. Сухбатдошнинг иштирокиға мўлжалланган сўзлашув нутқининг характери ҳақида гапира туриб, Н.В.Глаголев қуйидагиларни таъкидлайди: Сўзлашув нутқи “коммуникациянинг вазиятға мослашган, одатда, эмоционал жиҳатдан тўйинган туридир” [Глаголев 1967: 58].

Н.П.Карпов ҳам сўзлашув нутқининг ички структураси хусусиятларини ўрганиб, сўзлашув нутқининг “диалогға, вазиятға, эмоционалликка” [Карпов 1963: 6] мослашганлиғиға урғу беради.

Сўзлашув нутқининг юқорида таъкидланган уч хусусияти унинг бошқа услубларидан фарқ қилувчи услубий бўёққа эға эканлиғидан дарак беради. Сўзлашув нутқи (=кўчирма гап) нинг характерли хусусиятлари:

1) Сухбатдошларнинг бир мавзудан бошқасиға тез-тез ўзгариб турадиган лўкмаларида;

2) Нутқ жараёни иштирокчиларидан бириға бошқаси томонидан асосий хабарни берадиган диалогда ўз ифодасини топади.

Кўчирма гапларнинг ҳар бир гапи, одатда, мазмун ва структур жиҳатдан етарлича мустақилликка эға бўлади. Бироқ бу мустақиллик нисбийдир, чунки кўчирма гапда иштирок этган барча гаплар контекст, вазият ёки

сухбатдошнинг воқеадан хабардорлигига боғлиқдир [Девкин 1974: 29; 1979: 15-24].

Энди нисбатнинг таърифи масаласига тўхталиб ўтамиз.

Шуни таъкидлаш керакки, барча тадқиқотларда нисбатга таъриф беришда бир хиллик кузатилмайди. Уларда умумлаштириш даражаси бир хил бўлмаса-да, лекин таърифида, асосан, мос тушадиган жиҳатларни ҳам кўриш мумкин.

Чунончи, Ж.Вандриеснинг фикрича, феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг эга билан ўзаро муносабатида акс этадиган ўзига хос кўриниши нисбатни ташкил этади. Бунда иш-ҳаракат ёки эга томонидан амалга оширилган ёки иш-ҳаракат таъсирида бўладиган ёки эганинг иштирокида унинг манфаати йўлида ошириладиган иш-ҳаракат сифатида талқин қилинади [Вандриес 1937: 102-103].

В.З.Панфилов эса эга ва тўлдирувчининг иш-ҳаракат субъекти ва объекти билан ўзаро муайян муносабатига хос хусусиятини нисбат деб билади [Панфилов 1960: 103].

А.А.Холодович нисбатга қуйидагича таъриф беради: синтактик сатҳ бирликлари билан семантик сатҳ бирликлари ўртасидаги мосликларнинг феълда доимий равишда ифодаланиши феъл нисбатини ташкил қилади [Холодович 1970: 13].

Бизнинг фикримизча ҳам кейинги таъриф нисбатнинг табиатини бир қадар тўла очиб беришда қўл келиши мумкин.

Шундай қилиб, нисбатни аниқлашда дастлаб грамматик ва семантик бирликларнинг ўзаро муносабатига эътиборни қаратиш керак бўлади. Мазкур муносабат, одатда, икки хил кўринишга эга, яъни:

1) иш-ҳаракат эга денотатдан чиқиб, тўлдирувчи денотатга йўналтирилган бўлади. Бунда грамматик эга семантик эгага, грамматик тўлдирувчи семантик объектга мос тушади; 2) иш-ҳаракат воситали тўлдирувчи денотатдан чиқиб, эга денотатга йўналтирилган бўлади. Бу ерда

грамматик эга семантик объектга мос тушади. Ушбу муносабат доимий равишда феъл-кесим томонидан бошқарилади, яъни мазкур ўзаро муносабат феъл-кесимнинг тегишли актив ва пассив шакллари томонидан доимий равишда ифодаланиб туради.

Энди немис тилида нисбат турларини кўриб чиқамиз. Анъанага кўра, немис тили системасида нисбатнинг икки тури бор, деб ҳисобланади: актив ва пассив.

Қуйида юқоридаги фикрларга кўшимча равишда пассивнинг таърифига доир яна бир неча қарашни келтирамиз. Шунингдек, нисбат турларидаги ўхшаш ва фарқ томонларни аниқлашда юқорида келтирилган фикрларнинг айримларидан такроран фойдаланамиз.

Ҳ.Паулнинг таъкидлашича, активда тўлдирувчининг грамматик шаклини оладиган психологик эганинг грамматик эгага айлантириш имкони пассивни ташкил қилади [Пауль 1960: 334].

Н.Brinkmannнинг фикри ҳам юқоридагига ўхшаш: активда аккузативда объект вазифасида турганнинг пассивда номинативда субъект сифатида келиши пассив нисбатни ташкил қилади [Brinkmann 1971: 204].

Демак, пассив шундай феъл шаклики, унда агенс ўрнида келган сўз эга позициясида келмайди [Храковский 1970: 25].

XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб айрим тадқиқотчиларнинг қарашлари феъл нисбати таркибига нисбатан ўзгарди. Уларнинг фикрича, немис тилида актив ва пассив билан бир қаторда нисбатнинг яна бир тури – статив ҳам мавжуд.

Жумладан, F.Blatz стативни қуйидагича аниқлайди: sein + Partizip II конструкцияси ёрдамида ифодаланган турғун ҳолат стативдир [Blatz 1896: 493].

К.Boostнинг фикрига кўра ҳам sein + Partizip II конструкцияси ёрдамида ифодаланган ҳолат стативдир. У

werden + Partizip II конструкцияга ҳолат/жараён белгиси билан қарама-қарши туради [Boost 1938: 76].

H.Renicke стативга қуйидагича таъриф беради: статив – бу тугалланган иш-ҳаракат натижаси [Renicke 1957: 382].

G.Helbig стативни тубандагича тавсифлайди: олдин бўлиб ўтган динамик иш-ҳаракат натижасининг ифодаланиши стативдир [Helbig 1968: 141].

Е.И.Шендельс ҳам шунга ўхшаш фикрни билдирган: статив эга ҳолатининг ифодаланиши бўлиб, у (ҳолат) муайян иш-ҳаракат натижасида ҳосил бўлади [Шендельс 1954: 135].

Юқоридагилардан қуйидаги фикрга келиш мумкин: статив бу ўзидан олдин бўлиб ўтган иш-ҳаракат натижаси бўлган эга (=пациенс) ҳолатининг ифодаланишидир.

Демак, юқоридаги нуқтаи назарларни инобатга олиб, ҳозирги немис тилида феъл нисбатининг уч тури: актив, пассив ва статив мавжуд, деган фикрга келиш мумкин.

Шунингдек, адабиётларда активдан бошқа нисбат турларига нисбатан салбий муносабатда бўлган фикрларни ҳам учратамиз. Бунга кўра, немис тили системасида пассивнинг қўлланишига ҳожат йўқ, чунки унинг маъносини ифодалаш учун кўпгина бошқа имкониятлар мавжуд. Кейинги ҳолатда *man* билан келган конструкция ҳамда актив конструкция назарда тутилади. Чунончи, Э.Г.Будде бу ҳақда қуйидагиларни изҳор қилади: «немецкий язык «не расположен» к пассиву» [Budde 1956: 388]. Ёки: «он (пассив - ...) все же бывает просто не нужен, так как для передачи его значения существуют многие другие возможности» [Крашениникова 1960: 102].

Агар пассив немис тилига хос ҳодиса бўлмаса, унинг немис тили системасида мавжуд бўлишини қандай изоҳлаш мумкин?! Тўғри, пассив ўрнида *man* конструкция ва бошқа актив конструкцияларнинг кела олиши – бу улар ўртасида мавжуд бўлган синонимия масаласи. Бу, биринчидан. Иккинчидан, пассив активга нисбатан кам қўлланиш

частотасига эга бўлса-да, у барибир тил системасида мавжуд бўлган лисоний ходисадир.

Бу эса немис тили системасида феълнинг учта тури: актив, пассив ва статив борлигини исботлайди. Феъл нисбатининг мазкур турларини тил услубларининг барча турларида (албатта турлича қўлланиш частотасига эга бўлган ҳолда) учратиш мумкин. Ўзига хос макомга эга бўлган сўзлашув нутқи ҳам бундан мустасно эмас.

Рус тилшуноси В.И.Даль эса нафақат пассивга, балки умуман нисбатга ўзининг салбий муносабатини куйидагича изҳор этади: «Для самого русского языка» Они (залог. – Н.Э.) “дело вовсе постороннее, случайное» [Виноградов 1972: 481]. Далнинг ушбу караши ўз даврида машхур тилшунос А.А.Потебня томонидан қашатқич зарбага учраган: «Выражение “глагол такой-то переходит в такой-то залог” мы должны понимать таким образом, что перед нами два различные, но однозвучные глагола, принадлежавшие к двум различным залогам, и что глаголы эти находятся между собою в отношении исторического преемства. Понимаемый таким образом переход глагола из одного залога в другой не есть доказательство отсутствия залога в языках» [Потебня 1941: 198]. «Доказывать отсутствие, или, что то же, несущественность категорий залога в русском языке тем, что якобы один глагол якобы может иметь несколько или все залогов, - это все равно, что доказывать, что мы не сознаем разницы между scriber и pingere. “Случайность” залога в глаголе, как и всякая случайность, есть незнание причинной связи явления с другими. Навязывать же своего собственного непонимания изучаемому предмету не следует» [Потебня 1941: 199].

3. Хулоса. Кўринадики, нисбат категорияси нафақат бир тил системасига, балки кўпгина тиллар системасига хос бўлган синтактик ходисадир. Шу боис, у тил системасида универсалия ҳисобланиб, гапларнинг субъект-объект

қурилишини ташкил этади, бу эса унинг тил системаси учун муҳим структур бирлик эканлигидан дарак беради.

Мавзуга доир савол ва топшириқлар

1. Нисбатнинг субъект-объект муносабатларидаги ўрни ва аҳамиятини тушунтириб беринг.
2. Нисбат конструкцияларига қандай грамматик белгилар хос?

6-МАВЗУ. ПАССИВ КОНСТРУКЦИЯЛАР ТИПОЛОГИЯСИ

(2 соат)

Режа:

1. Синтактик типология ҳақида тушунча.
2. Пассив конструкцияларда тема ва рема масаласи
3. Хулоса

Адабиётлар

1. Березин Ф.М., Головин Б.Н. Общее языкознание. – М.: Просвещение, 1979. – 416 с.
2. Бернер Г.И. Об употреблении двучленного пассива в современном немецком языке // Труды по немецкой филологии. Уч. зап. Тартуского гос. ун-та, I, вып. 131, 1963.
3. Гао Синь. Формально – грамматическая функция порядка слов в русском субстантивном словосочетании (в зеркале китайского языка) // Вестник Московского университета. Серия 9. Филология, 2007, №1. – С. 131-134.
4. Русская разговорная речь. – М., 1973. – 486 с.
5. Сильницкий Г.Г. Предикативное отношение и его роль в пассивном преобразовании // Залоговые конструкции в разноструктурных языках. – Л.: Наука, 1981. – С. 39-45.
6. Шубик С.А. Категория залога и поле залоговости в немецком языке. – Л.: Наука, 1989. – 124 с.

Таянч сўзлар

Типология, пассив, бир бўлакли пассив, икки бўлакли пассив, уч бўлакли пассив, тема, рема, гапда биринчи ўрин.

1. Синтактик типология ҳақида тушунча. Маълумки, тилшуносликда қардош бўлмаган тилларнинг структураларига хос ўхшашлик ва фарқларнинг ўзаро муносабатини ўрганадиган лингвистиканинг бир тармоғи

типология номи билан юритилади. Ҳозирги вақтда типологик тадқиқотлар бир тил ёки бир неча тил сатҳлари, яъни тил системасининг фонологик, морфологик, синтактик ва семантик сатҳлари структураларини ўрганиш асосида олиб борилмоқда.

Булардан синтактик типология ўзгача маъно касб этади. Рус тилшунослигида синтактик типологияга асос солган И.И.Мешчанинов мазкур йўналишнинг вазифаларини белгилаб туриб, барча тиллар учун умумий категориялар сирасига на морфологик ва на лексик унсурлар, балки синтактик унсурлар киради, деб бежиз таъкидламайди ва буни барча тиллар системасида эга, кесим, тўлдирувчи ва аниқловчиларнинг мавжудлиги билан изоҳлайди [Березин, Головин 1979: 350].

2. Пассив конструкцияларда тема ва рема масаласи.

Биз ушбу бандда мазкур ғоядан келиб чиққан ҳолда, немис тили икки бўлакли ва уч бўлакли пассив конструкция (ИБПК, УБПК) ларида гап бўлаклари позициясини типологик планда кўриб чиқамиз. Бунда асосий эътибор гап бўлақларининг гапда биринчи ўринни эгаллаш сабабларига қаратилади.

Шунингдек, ИБПК ва УБПКларда келадиган бўлақлар – эга, тўлдирувчи, кесим ва ҳол ҳақида тўхталамиз. Ушбу масала мазкур конструкцияларнинг коммуникатив мазмунини ифодалаш билан узвий боғланган. Сўнгги ҳолат гап бўлақларининг лисоний ишора ва грамматик мазмунига ҳам бевосита алоқадордир. Таъкидлаш жоизки, УБПК га бағишланган аксарият изланишларда конструкциянинг барча бўлақларининг коммуникатив вазифасига алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, Г.И.Бернернинг таъкидлашича, кўпинча (80-90%) эга теманинг коммуникатив вазифасини ўтайди [Бернер 1963: 250]. С.А.Шубикнинг фикрича ҳам, эга темани, кесим ремани ифодалашда оптимал воситалардан хисобланади [Шубик 1989: 27].

Картотекамизга кўра, УБПКнинг 67 % да эга биринчи ўринда келган. ИБПКда эса бу ҳолат 60 % ни ташкил қилади. Конструкцияларда эга, кўпинча, биринчи ўринни эгалласа-да, у ҳар доим ҳам тема бўла олмайди. Бу борада тадқиқотчилар томонидан нутқда, жумладан, сўзлашув нутқида сўзларнинг дистрибуцияси тилнинг мазкур услуби қурилишининг ўзига хос қонунлари билан бошқарилади, яъни информатик жиҳатдан муҳим бўлган бўлак гапнинг олд қисмига, информатик жиҳатдан муҳим бўлмаган бўлак эса, одатда, гапнинг охирига ўринлашади [Разговорная речь 1973: 380-382], деб таъкидланади. Шу маънода эга УБПКнинг 67 % кўринишида биринчи ўринни эгалласа-да, ўзининг коммуникатив вазифасидан келиб чиқиб, у ҳам тема, ҳам рема бўла олади.

1. Масалан, қуйида келтирилган гапда эга тема (=маълум) вазифасида келган, чунки у ҳақда олдинги гапда зикр қилинган, шу боис, у суҳбатдошга аллақачон маълум. УБПК даги *Sie* эгаси олдинги гапдаги *sie* воситасиз тўлдирувчи томонидан ишора қилинган. Шунингдек, 2-шахс ҳар доим вазият нуқтаи назаридан сўзловчининг суҳбатдошига қаратилган бўлади:

„Darf ich Sie bitten, für einen Augenblick zum Aquarium zu gehen? Sie werden von einem Herr erwartet“ (Seeger. Fernspiele, 80).

2. Қуйидаги гапда эга рема (=янги) вазифасини ўтамоқда, чунки *eine gute Leistung* бирикмаси нутқда биринчи бор учрамоқда, яъни ўзидан олдинги гапнинг бирор бўлаги томонидан ишора қилинмаган:

Der zweite Verteidiger, Sie haben selbst darauf geachtet? Speer: Eine gute Leistung kann nur durch zufriedene Arbeiter erzielt werden (Schneider. Stücke, 163).

3. Навбатдаги мисолда УБПК нинг 22 % ида биринчи ўринда ҳол келади. ИБПКнинг 25 % ида ҳам деярли шу ҳолат кўзга ташланади. Бу ерда гап бўлақларининг бирининг

иккинчиси томонидан ишора қилиниши оқибатида натижа, макон ва замон муносабатларининг юзага келишига имкон яратилади. Қуйида УБПК даги *in diesem Schacht* ҳоли ўзидан олдин келган гапнинг айнан шу бўлаги томонидан ишора қилинган:

„*Treiben wir im Schacht Kinderspiel?*“

„*In diesem Schacht werden die Exprobierten von mir bedient, das merke dir*“ (*Gotsche. Fahne, 20-23*).

4. УБПКнинг 2 % ида воситали тўлдирувчи биринчи ўринда учрайди. ИБПК да эса бу кўрсаткич 7 % ни ташкил қилади. Мазкур воситали тўлдирувчилар олдинги гапнинг унсурлари томонидан ишора қилинган. Аксарият ҳолларда ушбу воситали тўлдирувчилар олдинги вазиятга тўлалигича ишора қилади. Чунончи, қуйидаги мисолда УБПКнинг воситали тўлдирувчиси *dafür* худди шу вазифани бажармоқда:

„*Die Offiziere sollen wieder in Uniform Dienst tun. Dafür ist die Forderung, die schwarzrotgoldne Kokarde zu tragen, von den Sozialdemokraten als unbillig zurückgezogen worden*“ (*Renn.Nachkrieg, 354*).

5. Энди мазкур конструкцияларда кесимнинг биринчи ўринда келишини кўриб чиқамиз. 2 % УБПК да кесим биринчи позицияни эгаллайди. ИБПК да ушбу ҳолат 1 % га тенг. Кўринадики, тилнинг қиёсланаётган ушбу типларида ҳам ўхшашлик кўзга ташланади.

Таъкидлаш керакки, баъзан сўзлашув нуткида биринчи ўринда феъл-кесимнинг тусланадиган шакли келади [Адмони 1955: 376]. Бунда *es* формал олмоши, кўпинча, тушириб қолдирилади. Информантлар буни сўзлашув нутқининг энг мақбул вариантларидандир, деб ҳисоблашади. Масалан:

Erfelt: werden also rüstig militärische Hieb – und Stichwaffen produziert, so von der Firma Hörster, die schon früher Bajonett – Rohlinge sozusagen für die holländische Armee

lieferte, jetzt auch von andern großen Firmen (Leonhard. Segel, 422).

6. Ниҳоят шундай УБПКлар (1%) ҳам учрайдики, уларда биринчи ўринни эргаш гап эгаллайди. ИБПКларда эса ушбу ҳолат 4 % ташкил қилади. Бунда биз эргашган кўшма гапнинг эргаш гапи бош гапдан олдин келишини назарда тутамиз. Масалан:

Vaillant: Als sie ihn durch das vergitterte Fenster reichen wollte, wurde sie von einer Aufschoren gepackt und selbst in den Block geworfen (Schneider. Stücke, 194).

Кўринадики, аксарият ҳолларда гап (=фикр) нинг информатик жиҳатдан муҳим унсури (бу эга бўладими ёки бошқа гап бўлаги бўладими) конструкцияда биринчи ўринни эгаллашга ҳаракат қилади. Айрим ҳоллардагина ушбу нутқий меъёрдан чекиниш ҳолатлари кузатилади. Шундай бўлса-да, кейинги ҳолат (яъни немис тилига хос бўлган рамкадан ташқарида қолиш) ҳам реманинг коммуникатив вазифаси билан боғлиқ бўлади. Бу, айниқса, биз ўрганаётган функционал услуб – кўчирма гап (=сўзлашув нутқи) га кўпроқ дахлдордир.

3. Хулоса. Хуллас, сўзловчи томонидан нисбатнинг ҳар қандай турини ёки турлича конструкцияларни танлаш “муайян гапнинг мўлжалда тутилган функционал истиқболини оптимал равишда олдинги матннинг кенг миқёсли функционал истиқболи билан, шунингдек, кейинги гапнинг синтагматик муносабатига имкон яратиш билан боғланади” [Сильницкий 1981: 43].

Бошқача айтганда, “гапнинг функционал истиқболи” айни пайтда сўз тартибининг “гап структурасида бир йўла икки сатҳда – синтактик структура ва гапнинг актуал бўлиниши сатҳларида иш кўриши”, яъни сўз тартибининг гапда “сўзлар ўртасида грамматик ва семантик алоқаларини ўрнатишда муҳим восита вазифасини ўташида” [Гао Сянь 2007: 131-134] воқеликка айланади.

Демак, гапнинг коммуникатив вазифасидан келиб чикиб қўлланадиган УБПК ва ИБПКларни типологик ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳар иккала конструкцияда қўлланадиган ҳар қандай гап бўлаги қўлланиш частотаси жиҳатдан биринчи ўринда кела олиши мумкин (қиёсланг: эга 67 – 60 %; ҳол 22 – 25 %; воситали тўлдирувчи 2 – 7 %; кесим 2 – 1 %). Яна шуни таъкидлаш лозимки, турлича структураларда қўлланиш частотаси жиҳатдан деярли бир хил кўрсатишга эга гап бўлаклари бир тил системасининг синтактик сатҳида универсаллик ҳодисасини ҳосил қилади.

Мавзуга доир савол ва топшириқлар

1. Лингвистик типология дейилганда нимани тушунасиз?
2. Синтактик типологияга изоҳ беринг.
3. Тема ва ремани мисолларда тушунтириб беринг.

7-МАВЗУ. ПАССИВ ВА УНИНГ СИНОНИМЛАРИ

(2 соат)

Режа:

1. Werden + Partizip II.
2. Sein + Partizip II.
3. Lassen + sich + Infinitiv.
4. Хулоса.

Адабиётлар

1. Helbig G. Bemerkungen zum Zustandspassiv (Ein Diskussionsbeitrag) // Deutsch als Fremdsprache, 2/1982. – S. 97-102.

2. Matzke B. Einige Bemerkungen zur Interpretation der Fügung „lassen + sich + Infinitiv“ als Passivsynonym // Deutsch als Fremdsprache, 1980, 1. – S. 28-31

3. Rottluft A. Zum Verhältnis von werden – Passiv und der lassen +sich+Infinitiv – Fügung als Passivsynonym in eingebetteten Sätzen // Deutsch als Fremdsprache, 6/1982. – S. 335-341

Таянч иборалар

Werden + Partizip II, sein + Partizip II, lassen sich + Infinitiv, актив, пассив, статив, рефлексив, синонимия.

1. Werden + Partizip II
2. Sein + Partizip II. Айрим мутахассисларнинг фикрича (Brandt / Schoenthal), Vorgangspassiv ва Zustandspassiv номларининг ўрнига werden – Passiv ва sein – Passiv терминларини ишлатиш маъқулроқдир.

Зотан:

Das Fenster wird geöffnet.

Die Stadt wird / ist von 2 Millionen Menschen bewohnt.

гапларининг иккинчисида пассив ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, у шаклан werden – формасига эга, холос. Г.Хелбиг

буни *allgemeine Zustandsform* термини остига олади, чунки мазкур конструкция на жараёни англатади ва на *passiv* тарзда тушунилади. Шунингдек, у (*Zustandsform*) *sein* ёки *werden* билан ясалган бўлса-да, ҳеч қандай кескин маъно фарқига олиб келмайди. Шу маънода *sein* ёки *werden* шакллари яқдиллик билан формал-синтактик сатҳга, *Vorgangsprädikat* ва *Zustandsprädikat* эса семантик сатҳга қурилган. Агар формал шарт-шароит (*werden* + *Partizip II*) ҳам ва семантик шарт-шароит (*Vorgang*) ҳам амалга ошса, *Vorgangspassiv* ҳақида, айти пайтда формал шароит (*sein* + *Partizip II*) ҳам ва семантик шароит (*Zustand*) ҳам амалга ошса, *Zustandspassiv* ҳақида сўз бўлиши мумкин [Б. 98].

Демак, *werden* – шакли (*werden* + *Partizip II*) нафақат *Vorgangspassiv* ни, шунингдек, *allgemeine Zustandsform* ни ҳам, шу маънода *sein* – шакли (*sein* + *Partizip II*) нафақат *Zustandspassiv* ни, шунингдек, *allgemeine Zustandsform* ни, *allgemeine Zustandsreflexiv* ни ва *Perfekt Aktiv* ни ҳам ифодалайди. Бундан ташқари умумий ҳолат шакли (*allgemeine Zustandsform*) агенс билан қўлланмайди, қўлланганда ҳам каузатор маъносида келади [Б. 99]. Бизнинг картотекамиз эса агенсли статив мавжуд эканлигини кўрсатади.

Хуллас, *werden* + *Partizip II* ва *sein* + *Partizip II* шаклларининг жараён ёки ҳолат маъноларида келиши феъл семантикасига боғлиқ ҳолда кечади [Б. 101-102].

3. Lassen sich + Infinitiv. Синонимлар тилнинг самарали ва ижодий қўлланишида муҳим роль ўйнайди. Улар ифоданинг кучлироқ бўлишига, ифоданинг турлича вариантларда келишига хизмат қилади ва воқеа-ҳодисалар аниқлигининг юқори даражада бўлишига имкон яратади. Бунинг учун сўзловчи / ёзувчи *passiv* синонимининг ўзига хос белгиларини билиши керак. У ҳар бир шакл имкониятларининг устувор жиҳатлари, шунингдек, чегаралари ҳақида фикр юрита олиши керак [Б. 335].

Дастлаб феъл нисбатининг мохияти хақида айрим мулоҳазалар. Ҳозирги тадқиқотлар ягона нуқтаи назарни кўрсатмайди. Бу дастлаб масаланинг турлича номланишидан келиб чиқади. Масалан, Jung [1973: 233] феъл нисбатини “ҳаракат йўналиши” (Handlungsrichtung) ва бошқа ўринда “нуқтаи назар йўналиши” (Blickrichtung) атамалари билан изоҳлайди. Бу ерда биз категориянинг объектив ҳамда субъектив изоҳига кўзимиз тушади. Schmidt [1973: 207] эса “воқеа-ходиса тури” (Geschehenart) ёки “ҳаракат тури” (Handlungsart) хақида сўз юритади. Унда объектив жиҳатдан фарқлаш асос қилиб олинган. Шу билан бирга “нуқтаи назар усули” (Sehensweisen) ва “ҳаракат шакллари” (Handlungsformen) каби номланишларни ҳам учратамиз.

Helbig [1968: 129-148; 1975: 271] пассивни мустақил грамматик ходиса сифатида тушунади ва *Vorgangspassiv* ни қуйидагича таснифлайди:

1. Ўтимли феъллардан ясалган икки бўлакли, уч бўлакли ёки тўрт бўлакли *Vorgangspassiv*.

2. Мультивалентли ўтимсиз феъллардан ясалган икки бўлакли ёки уч бўлакли *Vorgangspassiv*.

3. Аниқ (маълум) шахсли агенсли моновалентли ўтимсиз феъллардан ясалган икки бўлакли *Vorgangspassiv*.

4. Номмаълум шахсли агенсли моновалентли ўтимсиз феъллардан ясалган икки бўлакли *Vorgangspassiv* [1975: 273].

Ички структурасига кўра актив ва пассив бир-бири билан боғлиқ категориялардир. Бунда улар объектив ёки субъектив муносабатга биноан, бир-биридан фарқланадими, деган савол туғилади. Ушбу ҳолатга ойдинлик киритиш учун қуйидаги мисолни келтираамиз:

(1) Die Mutter wäscht das Kleid.

(2) Das Kind wird von der Mutter gewaschen.

Актив гап (1) пассив гапга (2) трансформация қилинганда агенс ва пациенс мазмунан ўзгаришсиз қолади. Фақат тасаввур туригина ўзгаради. Агенс ва пациенслар

гапда ўз ўринларини алмаштиришади. Пассив гапда воқеа-ходисага бошқача нуқтаи назар йўналиши мавжуд бўлади. Актив гапда ушбу йўналиш агенсли бўлган ҳолда, пассив гапда агенссиз бўлади. Феъл нисбатини танлаш биринчи навбатда коммуникатив вазият томонидан аниқланади.

Умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, актив ва пассив ўртасидаги муҳим фарқ объектив борлиқдаги айнан бир нарсаинг, воқеа-ходисанинг турлича тасаввур қилинишида намоён бўлади.

Пассив конструкциялар доирасидаги синонимлар. Немис тилида насра-предметни пассивда ифодалаш учун турлича имкониятлар бор. Ушбу турли имкониятлар адабиётларда “Пассивнинг ўрнида келадиган шакллар” (Ersatzformen), “Пассив тарзда тасвирловчилар” (Passivumschreibungen), “Пассивнинг вариантлари” (Varianten des Passivs), “Конкуренциялашган шакллар” (Konkurrenzformen), “Пассивнинг синонимлари” (Passivsynonyme) ва “Пассив парафразлар” (Passivparaphrasen) [Б. 335], деб юритилади.

Angela Rottluft бошқа шакллар кам учрагани учун “Passivsynonyme” номини қўллашни маъқул топади [Б. 335-336].

Муаллиф werden + Partizip II конструкциясининг lassen sich + Infinitiv билан синонимлигини кўра туриб, бу турдаги гап моделларига кирадиган феъллар сирасига қуйидаги семантик турлар мансублигини таъкидлайди.

- 1) хабар феъллари (Verben der Mitteilung),
- 2) баҳолаш феъллари (Verben der Einschätzung),
- 3) таклиф-ундов феъллари (Verben der Aufforderung),
- 4) рухсат бериш / ман қилиш феъллари (Verben des Erlaubens Verbieters),
- 5) айрим танланган сифатлар + препозиционалли объект (einige ausgewählte Adjektive + präpositionales Objekt).

Werden + Partizip II конструкцияси облигатор тарзда, жумладан, куйидаги хабар феъллари томонидан талаб қилинади: *mitteilen, antworten, schreiben* ва б.

Lassen конструкцияси куйидаги баҳолаш (*loben, rügen* ва б.), таклиф-ундов (*bitten, befehlen, bewegen zu* ва б.), рухсат (*zustimmen, zulassen* ва б.), шунингдек, таркибида сифат бўлган конструкцияли (*ärgerlich sein, glücklich sein*) феъллар томонидан талаб қилинади. Мана шундай ҳолатларда бу иккала конструкция, айрим ҳолатлардан ташқари, синоним бўла олади [Б. 337].

Масалан: *Ein Mann bittet die Lehrerin, daß sie dafür sorgt, daß Hans von einem Spezialisten geprüft wird \ sich von einem Spezialisten prüfen läßt* [Б. 339].

Brigitte Matzke ҳам *lassen + sich + Infinitiv* конструкцияси *пассивнинг синоними эканлиги* ҳақида гапириб, у уч бўлакли ёки икки бўлакли *werden + Passiv* нинг синоними сифатида кела олишини таъкидлайди, чунки улар айнан бир хил объектив борлиқни ифодалайди. Таъкидлаш лозимки, бунда *lassen + sich + Infinitiv* *пассив маънони ажойиб тарзда бера олишини кўрсатади* ва шу боис, у *werden + Partizip II* конструкциясини осонгина алмаштириши мумкин. Бунда гап объекти *пациенс сифатида* намоён бўлади [Matzke В. 1980, 1. – S. 28-31].

4. Хулоса. Хуллас, *werden + Partizip II, sein + Partizip II* ва *lassen sich + Infinitiv* ўртасида маълум даражада синонимлик кузатилади. Бунда уларнинг бир-бирига трансформациясини амалга ошириш мумкин.

Мавзуга доир савол ва топшириқлар

1. *Werden + Partizip II* конструкцияси нимани англатади?
2. *Sein + Partizip II* конструкциясига изоҳ беринг.
3. *Lassen sich + Infinitiv* конструкциясини изоҳлаб беринг.

8-МАВЗУ. СЎЗ ТУРКУМЛАРИ ВАЛЕНТЛИГИ (2 соат)

Режа:

1. Феъл валентлиги ва гап бўлаги.
2. От валентлиги.
3. Хулоса.

Адабиётлар

1. Böhme U. Rezension zu „Werner Mühlner / Karl-Ernst-Sommerfeldt. Semantik, Valenz und Sprachkonfrontation des Russischen mit dem Deutschen“. – VEB Verlag Enzyklopädie, Leipzig, 1981. – 151 S. // Deutsch als Fremdsprache, 1982/3. – S. 189-190.
2. Erben J. Abriß der deutschen Grammatik. 8. Aufl. – Berlin, 1965. – S. 231.
3. Mattausch J. Rezension zu „Beiträge zur Valenztheorie“. – VEB Max Niemeyer Verlag, Halle, 1971. – 143 S. // Deutsch als Fremdsprache, 1/1972. 9.Jahrgang. – Herausgeber Herder Institut, Leipzig. – S. 62-64.
4. Moskalskaja O.I. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. – Moskau, 1971. – S. 75-76.
5. Popov N.M. Satztyp und Verbvalenz // Deutsch als Fremdsprache, 1982, 4. – S. 213-214.
6. Sandberg B. Zur Valenz der Substantive // Deutsch als Fremdsprache, 5/1982. – S. 272-279.

Таянч иборалар

Сўз валентлиги, феъл валентлиги, от валентлиги, гап бўлаги, валентлик турлари, вазият, контекст, облигатор (зарурий) валентлик, факультатив валентлик.

1. Феълнинг валентлиги ва гап бўлаги. Феълларни газнифлашнинг янгича аспекти – бу уларнинг валентлиги

бўйича гурухларга бўлиниши. Бу бўлиниш ҳам структур-семантик хусусиятга эга бўлиб, у феъл мазмуни билан унинг грамматик муносабати ўртасидаги алоқани белгилайди. Бундай бўлиниш юқоридаги таснифлар билан маълум даражада алоқада бўлса-да, кўп жихатдан синтаксис билан боғлиқ ва бугунги кунда гапни моделлаштириш назариясининг ўз хосликларини намоён қилади.

Валентлик дейилганда, феълнинг гапнинг тегишли минимумини ҳосил қиладиган сўзларнинг миқдори ва типларини аниқлай (белгилай) олиш қобилияти тушунилади. Масалан, *Ich gebe* гапи гап ҳосил қилиш учун тегишли минимум бўлолмайди. К.Бюлернинг фикрича, *heißen* феъли гапда иккита “бўш жой (ўрин)” очиш имконига эга. Ушбу жойлар унинг партнёрлари томонидан эгалланиши лозим. Биринчи жой от (ёки нисбий олмош) томонидан, иккинчи жой от, кўпинча атоқли от томонидан эгалланиши керак, масалан: *Ich heiße Anna. Geben* феъли гапда тўлдирилиши лозим бўлган учта бўш жойни очади (жойга имкон яратади), масалан:

Ich gebe es dir.

Юқоридаги ҳолларда бўш жойларнинг тўлдирилиши мажбурий (шарт) (облигатор)дир. Феъл валентлиги факультатив хусусиятга эга, қиёсланг:

Alle singen (das Lied) mit. – Барча бирга куйлаяпти.

Баъзан феъл маъносининг оттенкасига кўра валентликнинг характери ҳам ўзгариши мумкин, қиёсланг:

Er trinkt Bier. – Er trinkt.

Феъл гапнинг маркази сифатида иккиёқлама валентликка эга: а) чап йўналишли валентлик (*linksgerichtete Valenz*); субъект. Бундай ҳолат воқеа-ҳодисалар, об-ҳаволарни ифодаладиган феъллар конструкцияларида учрайди, б) ўнг йўналишли валентлик: тўлдирувчилар [Москальская 1971: 75-76].

Й.Эрбен ҳам шу тарздаги таснифни беради: Феълнинг типн ва валентлиги кўп жиҳатдан феълдан олдин ва кейин қандай ва қанча кўшимча ҳолатларнинг келишига ва гапга гап кўриниши шаклини беришига боғлиқ [Erben 1965: 231].

Х.Бринкманн феъл очадиган “бўш жой” ларнинг миқдори ва характериға кўра қуйидагиларни бўлади:

1) ноль ўринли феъллар: *Es friert*;

2) чекланган бир ўринли феъллар: *Der Versuch ist mißglücklich*;

3) чекланмаган бир ўринли феъллар: *Der Vater schläft*;

4) актив билан бирға келган кенг миқёсли бир ўринли феъллар: *Ich danke dir*;

5) генитив билан бирға келган кенг миқёсли бир ўринли феъллар: *Wir gedachten der Toten*;

6) мажбурий икки ўринли феъллар: *Du hast den Brief geschrieben*;

7) кенг миқёсли (кенгайтирилган) икки ўринли феъллар: *Man hat ihn das Diebstahls beschuldigt*;

8) уч ўринли феъллар: *Ich habe ihm das Haus übertragen*.

Й.Эрбен гапда феълнинг мажбурий тўлдирувчилари қаториға гап мазмуни учун муҳим бўлган ҳолларни ҳам киритади ва бир валентли, икки валентли, уч валентли ва тўрт валентли феъллар гуруҳини аниқлайди [Erben 1965: 231].

Г.Хелбиг (G.Helbig „Theoretische und praktische Aspekte eines Valenzmodells“) валентлик назариясининг ахборот қийматидан келиб чиқиб, феълнинг зарурий факультатив ва эркин валентлигини аниқлайди ва уларни синтактик ҳамда семантик структуралари билан бирға сифат тавсифиға киритади (Б. 62).

Б.А.Абрамов (В.А.Abramow „Zur Paradigmatik und Syntagmatik der syntaktischen Potenzen“) эса гапда бир гап бўлагининг бошқасиға боғлиқ (тобе) эканлигиға, яъни бир гап бўлагининг бошқасининг устидан доминанта эканлигиға

этибор қаратади. Валентлик марказга югурувчи потенцияларнинг ичида ўзининг ўрнига эга бўлиб, синтактик валентлик сифатида дефиниция қилинади, яъни аниқ функционал ва формал белгили сўз ва тўлдирувчилар (Ergänzungen) нинг имконияти (Fähigkeit) ни талаб қилиш тушунилади (Б. 62). Бундай иш юритиш валентлик муносабатларининг еттита турлича типлари борлигини кўрсатади. Эмпирик кузатишлар қуйидаги валентлик типларини аниқлаш имконини яратди. Жумладан, 3000 та таҳлил қилинган феълдан 1300 таси $N \leftarrow Vf \rightarrow Ak$ ни ташкил этиб, шундан 435 таси $N \leftarrow Vf \rightarrow D \rightarrow Ak$, 407 таси $N \leftarrow Vf \rightarrow PK$, 275 таси $N \leftarrow Vf \rightarrow D$, 221 таси $N \leftarrow Vf \rightarrow Ak \rightarrow PK$ кўринишига эга. Муаллиф синтагматик аспект дейилганда, синтактик потенцияларнинг факультатив ёки облигатор воқеланишини назарда тутди (Б. 62). Бунда антропоним билан ифодаланган субъект 85 % ни ташкил этади (Б. 62)

Й.Фурье ва Б.Грюниг (J.Fourquet / B.Grunig „Valenz und Struktur“) лар феъл валентлигини аниқлашда гап бўлақларининг бевосита феълга тобелигини эмас, балки иерархик тарзда тартибга келтирилган асосий структурани инобатга олишади: $[(V+G_1) + G_2] + G_3$ каби. Шундай қилиб, валентлик фақат феълнинг боғлаш имкониятига қарашли бўлмасдан, балки феъл комплексларини ҳам ўз ичига олади (Б. 62-63).

Н.Е.Иртенъева (N.J.Irtenjewa „Valenz und Satziefenstruktur“) феъл валентлигини фақат феълли фразада излашни тавсия этади. Бу борада у инглиз ва рус тилларини қиёслаб, муҳим умумий синтактик типология мавжудлигини таъкидлайди (Б. 63).

В.Бондзионинг фикрича (W.Bondzio „Valenz, Bedeutung und Satzmodelle“), валентликни ташувчилар сўз маъносининг муайян умумий компонентларидир. Бунда феъл асосий валентлик ташувчи сифатида намоён бўлса, отлашган

моделларда эса от, сифат ва равишлар ҳам ушбу функцияда келади. Кўринадики, юқоридаги барча мутахассислар валентликда феълни асосий фигура сифатида талқин қилишса, В.Бондзио нафақат феъл, шунингдек, бошқа сўз туркумлари ҳам, жумладан, от ҳам муайян гапда атрофидаги гап бўлаклари билан бириктириш хусусиятига эга, деб ҳисоблайди. Бизнингча ҳам шундай (Б. 63).

В.Флемиг (W.Flämig „Valenztheorie und Schulgrammatik“) валентликни ҳосил қилувчи структураларни мантикий фикр билан боғлиқ ҳолда ўрганишни тавсия этади. Зотан, конкрет лисоний шакллар ўзгарувчи контекст ва вазиятларнинг шарт-шароитларини рўёбга чиқаришда репрезентациялар сифатида намоён бўлади (Б. 63). Бинобарин, муайян вазият ва контекстнинг мазмуни муайян грамматик шаклларнинг бўлишини тақозо этади.

Р.Гроце (R.Große „Zum Verhältnis von Form und Inhalt bei der Valenz der deutschen Verben“) нинг мақоласининг номидан билиниб турибдики, муаллиф ўз эътиборини маъно ва валентлик структурасининг алоқасига қаратган. Бунда валентлик даражаси лексик гуруҳларнинг конкрет маънолари билан узвий боғлиқ бўлади (Б. 63-64).

М.Д.Степанова (M.D.Stepanova „Die innere Valenz des Wortes und das Problem der linguistischen Wahrscheinlichkeit“) валентлик дейилганда, формал (фонетик, морфологик) ва мазмуний шарт-шароитларнинг сўз ясалиши маъносида морфемаларнинг морфем конструкцияларга боғланиши учун яхлит ҳолда намоён бўлишини тушунади (Б. 64).

Демак, ҳар қандай гап бўлаги муайян валентлик хусусиятига эга бўлади. Бироқ улардан феъл ва от бошқаларига нисбатан кўпроқ потенцияга эга.

2. От валентлиги. Бир неча бор таъкидланганидек, гап структурасида доминанта вазифасини ўтайдиган феъл валентлик масаласида ҳам етакчи ўрин тутаяди. Шунингдек, бошқа сўз туркумлари ҳам, хусусан, от шундай хусусиятга

эга. Зотан, от ҳам феъл каби гап тузишда муҳим аҳамият касб этади, яъни унинг бўлиши муҳимдир. Баъзи мутахассислар таъкидлаганидек, гапда от ҳар доим ҳам факультатив валентликка эга бўлавермайди. Масалан:

Er ist Vertreter seines Landes in der UNO.

Er ist Vertreter.

Бу гаплардаги от билан ифодаланган актантлар облигатор валентликка эга (Б. 272).

Уларнинг элиминацияси нафақат нограмматик гап қурилишига, шунингдек, бутунлай бошқа бир лексик-семантик вариантнинг вокеланишига олиб келади. Айримлар от актантлар дейилганда, генитивда турган от, предлогли от, эгалик олмошлари, нисбий сифат, инфинитив гуруҳ ва эргашган гапни тушунишади (Б. 272). Лекин бу ҳамиша ҳам шундай эмас, отнинг маълум бир валентлик алоқасига киришида контекст муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, от алоқага кираётган шерик (сўз) нинг ҳам аҳамияти бор (Б. 273). Бунда отнинг семантикаси, яъни аниқ (конкрет) ёки мавҳум бўлиши ҳам эътиборлидир (Б. 271).

Аксарият муаллифлар валентликни семантик детерминлашган ҳодиса сифатида тушуниб, у фақат гап сатҳидагина ўрганилади, деб талқин қилишади. Синтактик конструкциянинг, айниқса, гапнинг семантикасида бир-бирини тўлдирадиган ва бир-бирининг устига қуриладиган турли маъно катламлари мавжуд бўлади. Уларга гап асосига қурилган лексемалар ўртасидаги лексик-семантик муносабатлар, гапда лисоний унсурларнинг коммуникатив тартибидан келиб чиқадиган грамматик-семантик муносабатлар ва уларнинг семантик муносабатлари киради [Б. 189]. Валентлик лексемаларнинг бошқа лексемаларга бўладиган лексик-семантик муносабатлардан келиб чиқадиган имконияти (қобилияти, Fähigkeit) сифатида тушунилади [Б. 189]. Бу предикат валентлиги билан боғлиқ гап бўлаклари, авваламбор, мантиқий-семантик жиҳатдан

детерминлашган бўлади, дегани. Сўз туркуми (шакли) ёки гап бўлаги томонидан актантларнинг тавсифига имкон яратадиган синтактик-семантик валентликни мантикий-семантик валентликдан фарқлаш лозим. Семантик жиҳатдан йўналтирилган гап моделлари учун предикатлар ва уларнинг актантлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга [Б. 190].

N.M.Роровнинг фикрича, турлича гап турлари гап бўлақларининг бир-биридан фарқланувчи валентлигига эга бўлиб, феъл валентлигига боғлиқ бўлади. Бунда финитив феъл гапнинг структур марказини ташкил этади. Шунга боғлиқ ҳолда гап бўлақлари облигатор, факультатив ва эркин тусга кира олади [Роров 1982, 4: 213-214].

3. Хулоса. Ҳар қандай гап бўлаги муайян валентлик хусусиятига эга бўлади. Бунда феъл ва от бошқа сўз туркумларига нисбатан устувор мақомга эга. Финитив феъл гапнинг структур марказини ташкил этади. Шунга боғлиқ ҳолда гап бўлақлари облигатор, факультатив ва эркин валентлик тусини ола билади.

Мавзуга доир савол ва топшириқлар

1. Валентлик нима дегани?
2. Облигатор ва факультатив валентликларга изох беринг.
3. Валентликнинг конкрет вазият билан қандай алоқаси бор?

9-МАВЗУ. ШАХССИЗ ПАССИВ

(4 соат)

Режа:

1. G.Helbig талкинида шахссиз пассив.
2. Моновалентли ва мультивалентли феъллар.
3. Хулоса.

Адабиётлар

1. Vgl. dazu ausführlicher P. Suchsland, Gesellschaftliche Funktion und gesellschaftlicher Charakter der Sprache // Sprachpflege, 10/1971;

W. Neumann, Über die Dialektik sprachlicher Strukturen // Deutsche Zeitschrift für Philosophie, 2/1969;

M. Bierwisch / K. E. Heidolph / W. Motsch / W. Neumann / P. Suchsland, Grammatiktheorie, Sprachtheorie und Weltanschauung // Linguistische Studien. Reihe A, Heft 1, Berlin 1973.

2. Vgl. Kategorija zaloga. Materialy konferencii, Leningrad 1970;

I. A. Melcuk / A.A.Cholodovic, K teorii grammaticeskogo zaloga // Narody Afriki i Azii, 4/1970, S. 111 ff.

3. Vgl. A. Steube / G.Walther, Zur passivischen Diathese im Deutschen // Linguistische Arbeitsberichte 5, Leipzig 1972, S. 17 ff.;

R.Lötsch, Überlegungen zu einigen morphologischen Kategorien des deutschen Verbs (hekt.), AdW Berlin 1972;

G.Helbig, Zu einigen Problemen des Passivs und des Reflexivums im Deutschen // Aktuelle Probleme der Germanistik, Kiew 1975;

W. Fiedler, Die funktionell-semantische und die morphologische Kategorie des Genus verbi im Deutschen, Tschechischen und Slowakischen, Referat auf der Arbeitstagung zu Problemen des Sprachvergleichs an der Sektion Theoretische

und angewandte Sprachwissenschaft der Karl-Max-Universität Leipzig (14. – 16. 10. 1974), soll erscheinen // Linguistische Arbeitsberichte 1975.

4. Vgl. dazu ausführlicher G. Helbig, Beziehungen zwischen Valenz und Semantik // Linguistische Studien 14, Reihe A, 1975.

5. Vgl. vor allem Ch. J. Fillmore, The Case for Case // Universals in Linguistic Theory, Hrsg. E. Bach / R. T. Harms, New York u. a. 1968;

Ch. J. Fillmore, Plädoyer für Kasus // Kasustheorie. Hrsg. W. Abraham, Frankfurt / Main 1971.

6. Vgl. kritisch zu den Kasustheorien I. Zimmermann, Rezension zu Ch. J. Fillmore – Case for Case; I. Zimmermann, Die Funktionen der Nominalphrasen im Satz, beides in; ASG-Bericht Nr.7, Berlin 1970;

N.D. Arutjunova, Problemy sintaksisa i semantika v rabotach Ch. Fillmora // Voprosy jazykoznanija, 1/1973;

7. Vgl. A. Steube / G. Walther, Zur passivischen Diathese im Deutschen, a. a. O., S. 18;

R. Lötsch, Überlegungen zu einigen morphologischen Kategorien des deutschen Verbs, a. a. O., S. 3 f.

8. Vgl. dazu bereits G. Helbig, Zum Problem der Genera des Verbs in der deutschen Gegenwartssprache // DaF, 3/1968, S. 132 f.

9. Vgl. dazu O. I. Moskal'skaja, Problemy semanticeskogo modelirovanija v sintaksise // Vopsory jazykoznanija, 6/1973;

O.I. Moskal'skaja, Problemy systemnogo opisanija sintaksisa, Moskva 1974, z. B. S. 80 ff.

10. Vgl. dazu bereits A. Steube, Unpersönliches Passiv // Linguistische Arbeitsberichte 5, Leipzig 1972, S. 59 f.

11. Es sei angefügt, daß dieser Typ zwar selten, aber durchaus möglich und belegt ist. Die geringe Gebräuchlichkeit ist wohl auch der Grund dafür, daß dieser Typ bei Zuordnungsfragen

zum persönlichen bzw. unpersönlichen Passiv wenig im Mittelpunkt gestanden hat.

12. Vgl. etwa W. Admoni, Der deutsche Sprachbau, Leningrad 1966, S. 177 ff.;

O.I. Moskalskaja, Grammatik der deutschen Gegenwartssprache, Moskau 1971, S. 147 ff.;

G. Helbig / J. Buscha, Deutsche Grammatik – Ein Handbuch für den Ausländerunterricht, Leipzig 1972, S. 137 f.

13. Vgl. W. Jung, Grammatik der deutschen Sprache, Leipzig 1966, S. 192, 234 f.

14. Vgl. Der Große Duden. Die Grammatik der deutschen Gegenwartssprache, Hrsg. P. Grebe, Mannheim 1959, S. 115 f.

15. Vgl. J. Erben, Abriß der deutschen Grammatik, Berlin 1964, S. 41 f.

16. Vgl. Kleine Enzyklopädie – Die deutsche Sprache. Bd. 2, Leipzig 1970, S. 864 f.

17. Vgl. W. Admoni, Der deutsche Sprachbau, a. a. O., S. 180 f.

18. Vgl. W. Schmidt, Grundfragen der deutschen Grammatik, Berlin 1965, S. 193, 202 f.

19. W. Admoni, Der deutsche Sprachbau, a. a. O., S. 181.

20. Vgl. O. I. Moskalskaja, Grammatik der deutschen Gegenwartssprache, a. a. O., S. 153.

21. So auch Moskalskaja, ebenda, S. 146, 152 ff.

22. Vgl. dazu ausführlicher G. Helbig, Zur semantischen Charakteristik der Argumente des Prädikats, soll erscheinen // Probleme der Bedeutung und Kombinierbarkeit im Deutschen, Leipzig 1977.

23. Vgl. G. Helbig / J. Buscha, Deutsche Grammatik, a. a. O., S. 352 ff.

Таянч иборалар

Актив, пассив, диатеза, икки бўлакли пассив, уч бўлакли пассив, бир бўлакли пассив, шахсиз пассив, синтактик бирликлар, семантик бирликлар.

1. G.Helbig талқинида шахссиз пассив. Лингвистик адабиётларда ҳануз “шахссиз пассив” нима ва у “шахсли пассив”дан қандай фарқ қилиши яқдил изоҳлаб берилмаган. Кўпгина грамматикаларда ушбу фарқ учун ҳеч бир очик критериялар берилмаган. Одатда, грамматик китобларда шахссиз пассив учун қуйидаги мисоллар келтирилади:

(1) *Dem Vater wird geholfen.*

(2) *Es wird gesungen.*

Хелбигнинг фикрича, биринчи гап ўтимсиз феълдан ясалган объектли икки бўлакли пассив, иккинчи гап эса ўтимсиз абсолют феълдан ясалган объектсиз бир бўлакли пассив. Бу ерда пассивнинг таснифи семантик сатҳ таъсиридагина ўрганилиши мумкин.

Аслида синтактик ҳодисалар, шунингдек, пассив учун ҳам, семантик сатҳнинг изоҳлаш асоси сифатидаги муносабати ҳам лисоний – назарий ва лисоний – амалий сабабларга боғлиқ. Зотан, тил ижтимоий коммуникация мақсади учун белгилар системасидир. Коммуникация жараёнида ушбу муносабатнинг фақат бир жиҳати намоён бўлади [1].

Бунда пассив ва пассивлашган ҳодисалар учун семантик сатҳ бирликлари (лисоний вазиятда иштирокчиларнинг сони ва тури) ва синтактик сатҳ (гап бўлаклари) бирликлари ўртасидаги муносабат асос бўлиб хизмат қилади [2; 3; 4].

Гапда синтактик ва семантик бўлақлар ўртасидаги муносабатларни тавсифлаш учун дастлаб иккала сатҳдаги тушунчаларни аниқлашга зарурат туғилади. Синтактик сатҳда феъл актантларини гап бўлаклари тушунчалари билан белгилаймиз: *Sn (Subjekt im Nominativ)*, *Oa (Objekt im Akkusativ)*, *Og (Objekt im Genitiv)*, *Od (Objekt im Dativ)*, *Op (Präpositionalobjekt)*.

Семантик сатҳда *A (Agens)*, *P (Patiens; Objekt)*, *F (Faktiv; Objekt)*, *I (Instrument)*, *Ad (Adressat)* лар белгиланади

[5]. Ушбу атамалар пассивнинг моҳиятини аниқлаш учун етарли ва *Vorgangspassiv* нинг турли кўринишларини фарқлаш имкониятини беради [6]. *Vorgangspassiv* дейилганда, пассивнинг жараён, иш-харакатни ифодалаши тушунилади.

Активнинг барча шакларида агенс ва субъект идентишдир, пассивда эса аксинча агенс билан субъект ўртасида мослик мавжуд эмас [7]. Бундай боғлиқликни кўпгина ҳолларда исботлаш мумкин:

(3) *Der Lehrer schenkt (dem Schüler) das Buch.*

A – P – Ad semantische Struktur (семантик структура)

Sn – Oa – (Od) syntaktische Struktur (синтактик структура)

(4) *Das Buch wird (dem Schüler) (vom Lehrer) geschenkt.*

A – P – Ad semantische Struktur

(Op) – Sn – (Od) syntaktische Struktur

Ушбу қиёслаш уч хил кўринишга эга:

а) Актив гапда $A=Sn$ мосликни, пассивда эса, аксинча, $A=Sn$ номутаносибликни кўрамай.

б) Актив ва пассив гаплар бир хил семантик структурага эга, яъни *Aktiv* ҳам, *Vorgangspassiv* ҳам тилдан ташқари, борлиқнинг айнан бир хил нарса-предметини англатади (барча коммуникатив турли-туманликда), улар, бинобарин, айнан бир хил предметга нисбатан турли объектив ҳаракат йўналишини эмас, балки ҳар хил субъектив нуқтаи назарни ифодалайди [8].

с) Ушбу боғлиқлик пассивга трансформация қилишга, активнинг асосий синтактик структурасини *Vorgangspassiv* нинг ясама синтактик структурага айлантириш қоидасини беради: $Sn – Oa – (Od) \rightarrow (Op) – Sn – (Od)$.

Бироқ шундай актив гаплар борки, улардаги номинатив субъект агенс бўлолмайди:

(5) *Das Mädchen genießt sein Vertrauen (Kuz uning шшончини қозонди).*

(6) *Das Messer schneidet das Brot.*

Бешинчи гапда субъект муносабат ташувчисини (агенсни [9]), олтинчи гапда эса инструментни, куролни ифодалаяпти. Бундан икки хулоса келиб чиқади:

1. Агар активдаги *Subjektnominativ* агенсни ифодаласа, актив тўлиқ маъноли пассивга трансформация қилинади. Бу, биринчидан, ўтимсиз феъллардан ясалган пассивга тегишли:

(7) *Der Schüler hilft dem Lehrer. (=Agens)*

→ *Dem Schüler wird vom Lehrer geholfen.*

(8) *Der Schüler ähnelt dem Lehrer. (=Relationsträger, Demi-Agens)*

*→ *Dem Lehrer wird von dem Schüler geähnelt.*

(9) *Man tanzt. (=Agens)*

→ *Es wird getanzt.*

(10) *Man wächst. (=Vorgangsträger)*

*→ *Es wird gewachsen.*

Бу ҳолат айни пайтда ўтимли феъллардан ҳосил бўлган пассивга ҳам дахлдор:

(11) *Die Mutter schneidet das Brot. (=Agens)*

→ *Das Brot wird von der Mutter geschnitten.*

(12) *Das Messer schneidet das Brot. (=Instrument)*

*→ *Das Brot wird von dem Messer geschnitten* [10].

Кўринадики, активнинг пассивга ўта олиши учун субъект агенс характерига эга бўлиши лозим.

2. *A=Sn* ҳдлати (яъни активнинг пассивга ўтолмаслиги) нафақат юқорида айтилган пассив гаплар (“синтактик пассив”) га, шунингдек, барча пассив маъноли актив шакллар (“семантик пассив”) га, яъни барча пассив-парафразларга ёки пассивнинг конкурент шакллари га ҳам тааллуқли:

(13) *Diese Tür ist leicht zu öffnen. (=Patiens)*

(14) *Der Schüler erhält ein Buch geschenkt. (=Adressat)*

Агар биз қуйидаги семантик жиҳатдан яқин эквивалентга эга ва *A-Ad* семантик структурани

кўрсатадиган гапларни киёсласак, ушбу боғликлик исботланади:

(15) *Wir beleidigen ihn.*

(16) *Er wird (von uns) beleidigt.*

(17) *Ihm geschieht (durch uns) eine Beleidigung.*

(18) *Ihm wird (durch uns) eine Beleidigung zugefügt.*

Ўн бешинчи гапда актив ҳақида гап кетаяпти (*Sn va A мос тушган*), ўн олтинчи ва ўн саккизинчи гаплар пассив тарзда талкин қилиниши керак (*Sn va A мос тушмаган*):

(15) *Sn - Oa*

(16) (*Op*) - *Sa*

(17), (18) (*Op*) – *Od*.

Бу ерда фақат ўн олтинчи гап синтактик пассив тарзида талкин қилиниши мумкин, ўн еттинчи ва ўн саккизинчи гаплар эса пассив-парафразлардир, чунки улар 17-гап феъли формал активда, 18-гап эса, аксинча, пассивда турганлиги билан ўзаро фарқланади.

2. **Моновалентли ва мўлтивалентли феъллар.** Биз пассивнинг моҳиятига шу қарашлар ёрдамида синтактик бирликлар ва семантик бирликлар сатҳлари ўртасидаги муносабатлар асосидагина *Vorgangspassiv* таснифлашни қўллашимиз мумкин ва сўнгра шу базис асосидагина шахсиз пассив бўйича саволга жавоб беришимиз мумкин. Шундай қилиб, *Vorgangspassiv* нинг тўрт хил турини аниқлаш мумкин:

1) ўтимли феъллардан ясалган икки бўлакли, уч бўлакли ёки тўрт бўлакли *Vorgangspassiv*:

(19) *Der Lehrer schenkt (dem Schüler) das Buch.*

→ *Das Buch wird (dem Schüler) (von dem Lehrer) geschenkt.*

(20) *Die Mutter bäckt (der Tochter) den Kuchen.*

→ *Der Kuchen wird (der Tochter) (von der Mutter) gebacken.*

2) мультивалентли ўтимсиз феъллардан ясалган икки бўлаккли ёки уч бўлаккли *Vorgangspassiv*:

(21) *Wir helfen dem Lehrer.*

→ *Dem Lehrer wird (von uns) geholfen.*

(22) *Wir gedenken der Toten.*

→ *Der Toten wird (von uns) gedacht.*

(23) *Wir sorgen für die Kinder.*

→ *Für die Kinder wird (von uns) gesorgt.*

3) моновалентли ўтимсиз феъллардан ҳосил бўлган аниқ шахсли агенсга эга икки бўлаккли *Vorgangspassiv* [11]:

(24) *Er tanzt.*

→ *Es wird von ihm getanzt.*

4) моновалентли ўтимсиз феъллардан ясалган ноаниқ шахсли агенсли *Vorgangspassiv*:

(25) *Man tanzt.*

→ *Es wird getanzt.*

Vorgangspassiv нинг тўрт турга бўлиниши қуйидаги белгилар асосида амалга оширилади:

а) феъл валентлиги орқали, яъни тегишли актантларнинг сони туфайли: биринчи ва иккинчи типларнинг актив гапларида камида иккита актант келади, учинчи ва тўртинчи типларда эса фақат битта актант бўлади. Шулар, биринчидан, биринчи ва иккинчи типларни фарқласа, бошқа томондан, 3- ва 4-типларни фарқлайди.

б) иккинчи актантнинг синтактик тури орқали: у биринчи типда битта *Oa*, иккинчи типда битта *Od*, *Og* ёки *Op* га эга бўлади. Шулар биринчи ва иккинчи типларни бир-биридан фарқлайди.

с) пассив трансформацияда келишикларнинг фаркланувчи ўзгаришлари орқали: биринчи типда *Oa Sn* га айланади, иккинчи типда қолган келишиклар (*Od*, *Og*, *Op*) сақланиб қолади ва пассив трансформация томонидан ўзгаришга учрамайди.

d) агенсининг семантик тури орқали, у учинчи типда аник (маълум) шахсли (*м-н: Hans, der Lehrer, unsere Freunde usw.*), тўртинчи типда, аксинча, номаълум шахсли (*м-н: man, die Leute, sie*); 3-ва 4-турлар шу белгилари орқали бир-биридан фаркланади.

е) пассивнинг ясама (хосила) синтактик структурасидаги минимал аъзоларининг миқдори орқали: тўртинчи тип, маънога эга бўлмаган *es* дан ташқари, фақат биргина аъзо (кесим)га эга бўлади ҳамда бир бўлакли пассивни ташкил этади; қолган типлар, ушбу иккинчи бўлак қайси турга мансуб бўлишидан қатъи назар, энг камида икки бўлакли бўлади: биринчи типда *Sn*, иккинчи типда *Od, Og* ёки *Op*, учинчи типда *Op*. Бунга боғлиқ бўлмаган ҳолда 1-ва 2-типларда яна бошқа бўлақлар факультатив ҳолда кела олади, шу тарзда уч бўлакли ёки тўрт бўлакли пассив ҳам пайдо бўла олади.

ф) пассив гапда агенсининг келиши орқали: 1-ва 2-типларда агенс факультатив, 3-типта пассив гапда облигатор тарзда келади, пассив гапнинг 4-типида агенс облигатор тарзда элиминацияга учрайди.

Vorgangspassiv нинг юқорида санаб ўтилган тўрт тури шу тарзда етарлича бир-биридан фарқ қилган ҳолда намоён бўлади. Энди икки саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

1. *Vorgangspassiv* нинг уч бўлакли, икки бўлакли ва бир бўлакли пассивга аъъанавий тақсимланишининг юқоридаги тўрт типга таснифига қандай муносабати бор?

2. Энди шу 4- типдан қайси “шахссиз пассив” бўлади?

Биз яна бир бор аъъанавий бўлинишга изоҳ бериб ўтамыз [12]:

уч бўлакли пассив:

(26) *Maschinen werden von den Arbeitern gebaut.*

икки бўлакли пассив:

(27) *Maschinen werden gebaut.*

бир бўлакли пассив:

(28) *Es wird getanzt.*

Анъанавий таснифнинг юқорида биз келтирган тўрт тур билан қиёсланиши шуни кўрсатадики, пассивда иштирок этган бўлақлар сонига қараб таснифлаш унчалик нотўғри бўлмаса-да, бироқ у бир томонлама ва чеклангандир: у юқорида зикр қилинган белгилар томонидан а) дан f) гача кўрсатилганлардан фақат е) нигина инобатга олган, семантик структураси томонидан, шунингдек, активнинг асосий синтактик структураси томонидан абстрактлашган ва фақат пассивнинг ясама ташки структурасидангина келиб чиққан. Натижада, муҳим жиҳатлар эса эътибордан четда қолдирилган. Шундай қилиб, биринчидан, синтактик-семантик жиҳатдан ўзаро боғлиқ конструкциялар бир-биридан ажратиб ташланган (шу тарзда (26) ва (27) мисоллар ҳар қандай вақтда ҳам фақат агенснинг коммуникатив омиллар томонидан детерминлашган факультатив мавжуд бўлиши билан фарқланади), бошқа томондан, турли типлар бир-бири билан аралаштириб юборилган (яъни икки бўлақли пассивга фақат ўтимли феъллардан ясалган 27 сингари мисол эмас, балки, шунингдек, бизнинг ўтимсиз феъллардан ҳосил бўлган 2- ва 3-типларимиз ҳам кириши лозим). Аксинча, пассив гапдаги бўлақларнинг сони бўйича анъанавий тасниф диалектик маънода бизнинг тўрт турга бўлиниш таснифимизда барҳам топган.

Зикр қилинган тўрт турдан қайси “шахссиз пассив” сифатида тан олинishiга бағишланган иккинчи саволга жавоб бериш анча мураккаброқдир. Зотан, “шахсли пассив” ва “шахссиз пассив” ўртасидаги чегара қаердан ўтади. Бизнинг биринчи туримиз анъанавий грамматиканинг “шахсли пассив”ига мос тушиши тушунарлидек кўринади. Аксинча, 2-тур, фақат 3-тур ёки 4-тур шахссиз пассив сифатида талқин қилинадими. Ҳозиргина ушбу савол дастлаб 1-мисолда бизнинг 2-туримизга, 2-мисолда бизнинг 4-туримизга мос тушиши ҳақида гап бориши кўрсатилди.

Ушбу масалада ҳозиргача жуда кам яқдиллик мавжуд, чунки у ҳозиргача сира муаммо сифатида қаралмаган. Шу боис, грамматикаларга – қўлланмаларга бир назар ташлаб, ушбу масалага ойдинлик киритиш керак. Масалан, Jung [13] ва Grebe [14] лар ўтимсиз феъллар шахсли пассив эмас, балки шахссиз пассив ясай олади, дейишади. Бундан шундай хулоса чиқариш лозим (бунга юқорида келтирилган мисоллар мос тушади), яъни бизнинг 2,3 ва 4-турларимиз “шахссиз пассив” сифатида қаралиши мумкин. Бошқа томондан, Erben [15] фақат объектсиз феъллардан ҳосил бўлган пассивгина “шахссиз пассив” сифатида қаралади (яъни бизнинг 4-типимизга монанд), яъни агенс ёки пациенс эслатилмаган ҳол. Шунга ўхшаш маънода „Kleine Enzyklopädie – Deutsche Sprache“ китобида ҳам шахссиз пассивни бизнинг 4-типимиздаги объектли ёки объектсиз қўлланган феъллар билангина чегараланади (*Масалан: Hier wird gearbeitet*) ва улардан аниқ ҳаққоний равишда бизнинг 2-типимиздаги ўтимсиз феъллардан ҳосил бўлган пассив (*Масалан: Seinem Freund wird geholfen*) ажратиб кўрсатилади [16]. Шу каби аниқ чегаралашга Admoni [17] ва W.Schmidt [18] да ҳам етарлича эътибор берилмаган, яъни, бир томондан, ўтимсиз феъллардан ясалган шахссиз пассив ҳақида (бизнинг 2-дан то 4-типгача бўлган мисолларимиз сингари) гап кетса, бошқа томондан, фақат бизнинг 4-типимиздаги мисоллар сингари мисоллар келтирилган, холос.

Кўп ҳолларда ҳеч қандай тамойиллар берилмагани, берилган мисоллардан, даставвал, тегишли хулосалар қилиниши лозим бўлганлиги мушоҳада қилинса, бундай чалкашликнинг бўлиши тушунарли. Кўпгина ҳолларда ўзгармаган ҳолда шахссиз пассив ҳақида гапирилса-да, айрим ҳолларда эса “шахссиз пассив” турлича нуқтаи назардан қаралганда, ушбу ноаяқдиллик янада кучаяди: ушбу терминнинг эҳтиёткорона кўштирноқ ичида ёки изоҳ тарзида қўлланиши ҳолида кўрилиши (ёки шахссиз пассив деб

аталган шаклда қаралиши) – бундан муаллифларнинг эҳтиёткорлигига сабаблар нимадан иборат эканлиги ҳақида бирор-бир хулоса чиқариш мумкин эмас - , Admoni пассивнинг ушбу шакли қўлланишини “бутунлай шахссиз” [19], деб ҳисобласа, Moskalskaja эса, аксинча, “шахссиз пассив” деган тушунчада эҳтиёткорлик қилади, зеро, у аслида сира шахссиз бўлолмайди [20], дейди.

Мазкур дивергенция (тафовут) туфайли “шахссиз пассив” тушунчасининг турлича ҳажмига нуктаи назар ҳам (бизнинг 4-типимиз ёки 2-дан 4-типгача сингари) ёки, умуман, тушунча адекватлигига қараш биз учун икки саволни кўндаланг қилиб қўяди:

1) Тушунчанинг турлича қўлланишида қайси тамойиллар асос бўлиб хизмат қилади?

2) Қайси ҳолатда “шахссиз пассив” тушунчасининг қўлланиши мақсадга мувофиқ ва маънолидир?

Бу ерда ушбу биринчи савол буни эксплицит қилиш ва аниқ тамойилларга олиб келиши учун кўпгина грамматикаларда турлича ечимларга келинган (ҳал қилувчи гарзида) иккинчи савол биринчи саволнинг жавобини элдиндан тайёрлаган. Иккала саволга боғлиқ ҳолда жавоб бериш учун, лозим бўлганда, шахсли ҳамда шахссиз пассив ўртасидаги чегараларни назарда тутиб методик асослардан селиб чиқиш мақсадга мувофиқдек туюлади.

3. Хулоса. а) Бир томондан 1-тип ва бошқа томондан 2-дан 4-тип ўртасида мумкин бўлган чегара бўйича савол 2-дан -типнинг умумийликлари бўйича саволни тахмин қилади. 2-ан 4-типларнинг умумийлиги шундан иборатки, уларда ассивнинг ҳосила синтактик структурасида Sn, яъни интактик сатҳ воқе бўлмайди – бироқ агар финитив феълдан пдинги биринчи ўрин бўш бўлсагина es шахссиз олмошилади:

(21a) *Es wird dem Lehrer geholfen.*

**Dem Lehrer wird es geholfen.*

(24a) *Es wird von ihm getanzt.*

**Von ihm wird es getanzt.*

(25a) *Es wird hier getanzt.*

**Hier wird es getanzt.*

Субъектсиз пассив гаплар ҳақида гап кетганда 2-дан 4-типгача умумийлик мавжуд бўлади. Бунда “субъект” дейилганда, пассив гапнинг синтактик субъекти тушунилиши керак. Ушбу чегаралаш қўшимча қилиниши керак, чунки бу типлар асосий актив структурада ҳам синтактик субъект, семантик структурада унга мос тушадиган тегишли агенс ҳамдир. Синтактик структурадаги фарқ ҳақида гап кетганда, бунда шахсли ва шахссиз пассив ўртасидаги фарқ семантик сатҳни кўрсатади. Шу боис, 1-типни “шахсли”, 2-дан 4-гача бўлган типни “шахссиз”, деб тавсифлаш ақлга сиғмайди. Семантик сатҳда мазкур фарқ мавжуд бўлиши лозим бўлганда, бундай фарқни аниқлаш даргумон:

(29) *Wir unterstützen den Lehrer*

→ *Der Lehrer wird von uns unterstützt.*

(30) *Wir helfen dem Lehrer.*

→ *Dem Lehrer wird (von uns) geholfen.*

Бизнинг 1-типимизга қарашли 29-мисол ва 2-типимизга ортиқча саналган 30-мисол семантик бўлиши даргумондир, бироқ синтактик фарқнинг бўлиши аниқ. Зотан, ушбу фарқ феъл валентлиги томонидан муайян келишкнинг детерминлашган селекциясига боғлиқдир. Бун (келишик) га ҳеч қандай “маъно” бевосита мос келмайди. Унга турфа маънолар (“семантик келишиклар”) мос тушиши мумкин [22]. Бинобарин, ушбу синтактик келишиклардан шахсли ва шахссиз пассивлар ўртасидаги фарқни ифодалайдиган семантик фарқ тўғрисида хулоса қилиб бўлмайди.

б) Айниқса, бир томондан, 1-ва 2-тип, бошқа томондан, 3-ва 4-тип ўртасидаги чегара сўроқ остида қолади. Ушбу типлар ўртасидаги мавжуд фарқ охир-оқибат синтактик хусусиятга эга: 1-ва 2-типдаги мультивалентли феъллар, 3-ва

4-типдаги моновалентли феъллар. Ушбу синтактик фарқ ортида семантик фарқ яширинган. Бирок бу фарқ агенсга эмас, балки бошқа актанти(лар)га (ёки аргумент)ларга тааллуқли бўлиб, 3-ва 4-типлар бундан истиснодир. Шундай қилиб, шахсли ва шахсиз пассив ўртасида ҳеч қандай мотивлашмаган чегара бўлмаган семантик фарқ ҳақида гап кетмоқда. Ушбу фарқ агенс характериға боғлиқ.

с) 1-дан 3-типгача бир томондан ва бошқа томондан 4-тип ўртасидаги чегаранинг мавжудлиги ҳақидаги масала анча мушкулроқдир. Дастлаб 4-типни (субъектсиз пассивга фарқли равишда) агенсиз пассив сифатида тавсифлаш ва бундан 4-типдаги шахсиз пассивнинг тахминини оқлашни ҳосил қилишда қўндаланг бўлиб туради. Бирок ушбу хулоса ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки 4-типда агенс ясама пассив гапнинг сатҳида (1-дан 3-типга қарама – қарши равишда) юзага келмайди. Аммо ҳар доим – шунингдек, зарурий равишда, семантик структурада мавжуд бўлади ва олдиндан башорат қилинади. Бу олдиндан мўлжалланган бўлади, аксинча, пассивнинг ясалиши, умуман, мумкин бўлмай қолади. Биз бевосита агенснинг мавжуд бўлишини пассивнинг барча типлари учун зарур шарт сифатида (1-дан 4-типгача) кўриб чиқдик. Ҳақиқатда гап қуйидагича бўлиши мумкин.

(25a) *Es wird getanzt.* гапи фақат

(25b) *Man tanzt.* гапининг пассив трансформация сифатида тушунилади.

(25c) *Die Mücken tanzen.*

(25d) *Die Schneeflocken tanzen.* гапларининг пассив трансформацияси эмас.

Бирок (25c) ва (25d) активда кела олган бўлса ҳам, номинативдаги субъект ва агенснинг мос тушмаслиги пассив трансформацияга йўл қўймайди.

Бинобарин, 4-тип 1-дан 3-типгача фарқ қилиши унинг агенсиз эканлигида эмас, балки

а) пассив гапнинг синтактик сатҳдаги агеенси ифодаланмаган ёки ифодалана олмайди;

б) у номаълум шахс бўлгани учун ифодалана олмайди.

Агенснинг номаълумлиги 4-типни 3-типдан фарқлайди, агенснинг шахс номида бўлиши пассивнинг барча типлари учун умумийдир. Шунинг учун 4-типта шахссиз пассив ҳақида гапириш унчалик мақсадлимас. Бу эса ўз навбатида, албатта, “шахссиз пассив” деган тушунчадан умуман воз кечишга ва бу билан “шахсли” ва “шахссиз пассив” ўртасидаги чегарадан ҳам воз кечишга олиб келади.

Фақат савол туғилади – бу савол якунда бундай ёрлик ва тасниф қандай қилиб амалга ошганлигини ва шунча узок муддат сақланиб қолганлигини кўрсатади. Фақат ёлғиз синтактик ўхшашликдан келиб чиққан ҳолда, *es* шахссиз олмошининг келишига асосланиб, икки конструкция етарлича аниқ бир-биридан фарқланмади, шекилли:

(31) *Es schneit.*

→ **Es wird geschneit.*

(32) *Man tanzt.*

→ *Es wird getanzt.*

31-мисолда аслида шахссиз конструкция ҳақида сўз бормоқда: *es* актив гапда келмоқда; унда агенс бўлмаганлиги боис, пассив конструкция ясалмайди. 32-мисолда эса, аксинча, *es* пассив конструкцияда келмоқда; актив гапда агенс англашилгани учун пассив ясала олиниши мумкин. Албатта, у аниқ эмас, балки номаълумдир. Ташқи жиҳатдан бир хил туюлган *es* алдамчидир, чунки

а) 31-мисолда формал *es* субъекти мавжуд, уни на ташлаб юбориб, на алмаштириб бўлади, 32-мисолда эса, аксинча, *es* жой (ўрин) эгалловчи бўлиб, уни алмаштириб бўлмаса-да, бироқ гап ичида облигатор равишда тушириб қолдирилади [23];

б) шунингдек, кўпгина тилларда *es* олмошининг бири-бирдан фарқ қилувчи ҳолатларига ҳар хил эквивалентлар мос тушади. Булар киёсий тадқиқот жараёнида аниқланган.

Мавзуга доир савол ва топшириқлар

1. Шахссиз *passiv* дейилганда нимани тушунасиз?
2. *Passivning* турларини айтиб беринг.
3. Моновалентли ва мультивалентли феълларга мисоллар келтиринг.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан аёнки, феълнинг нисбат категорияси, унинг бошқа категорияларига нисбатан, анча мураккаблиги ва кўп жиҳатларининг баҳслилиги билан фаркланиб туради.

Хусусан, пассив нисбатнинг турлари. Айрим тилшунослар пассив бир бўлакли, икки бўлакли ва уч бўлакли турларга эга дейишса, бошқалари ушбу парадигмани кенгайтирган ҳолда тасаввур этади.

Баъзилар рефлексивни алоҳида нисбат тури сифатида тасаввур этишса, бошқалар эса уни пассивнинг бир кўриниши, деб ҳисоблайди.

Нисбатнинг ҳар бир тури ўзига хос субъект-объект муносабатига ва валентлик хусусиятига эга. Жумладан, валентлик белгиси фақат феълга эмас, шунингдек, бошқа сўз туркумларига ҳам дахлдордир.

Нисбатнинг баҳсли жиҳатлари ичида шахссиз пассив алоҳида ўринга эга. Шу боис, мазкур граммемага бироз тўхталиб ўтамиз.

Кўриб чиқилган манбаларнинг деярли барчасида шахссиз гаплар фақат активда келиши, пассивда эса учрамаслиги таъкидланган. Шу жумладан, Г.Хелбиг ҳам шундай фикрда. Бу эса шахссиз пассив, деб ҳисобланган „Es wird getanzt“ типидagi гаплар грамматик эгасиз келган бир таркибли пассив гаплар, деб талқин қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди, чунки гап таркибидаги формал „es“ ҳеч қандай лексик маъно ташимайди дегани. У фақат гапнинг биринчи ўрнини тўлдириш учун келтирилган. Шу ўринда яна шунини таъкидлаш керакки, айрим мутахассислар шахссиз гап, шу жумладан, шахссиз пассив дейилганда, грамматик эгасиз келган гапларни назарда тутишса, бошқалари эса феълнинг лексик маъносига асосланиб, уни шахссиз гаплар парадигмасидан чиқариб ташлашни тавсия этишади. Бизнингча, шахссиз гапларни таҳлил қилишда грамматик

нуктаи назардан келиб чиққан ҳолда иш кўрилса, маъқул бўларди. Зотан, биз грамматика билан иш кўрарканмиз, буни унутмаслик керак. Бундан ташқари, “сўзларнинг барча грамматик шакллари ҳар доим гап доирасида нутқда реал ҳукм суришини” эътиборда тутишимиз лозим [Адмони 1979: 4]. Тўғри, грамматика семантикасиз фаолият кўрсатолмайди. Шундай қилиб, юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, шахссиз гапларни икки хил мақомга эга турга бўлиш мумкин: 1) табиатан шахссиз гаплар (светает; es schneit кабилар); 2) кесимидан ағенси англашилиб турган грамматик эғаси бўлмаган шахссиз гаплар (**Мне хочется чаю; Es wird getanzt** кабилар).

Чунончи, масалани амалий жиҳатдан янада ёркинрок тасаввур этиш учун биз Анатолий Рыбаковнинг 540 саҳифадан иборат бўлган “Дети Арбата” романида келтирилган шахссиз гапларни кўриб чиқдик. Бунда жами 110 та шахссиз гап учраб, шундан 8 таси (7,3 %) ни «**сказано** **ведь, проходите**» (226-бет), «**В** **общем, ничего не решено**» (246-бет) каби мажҳул шаклдаги шахссиз гаплар ташкил этади. Ушбу гапларнинг барчасида феъл-кесим инсон фаолияти билан боғлиқ маънони ифодалайди [Рыбаков 1988].

Кўринадики, бир оилага мансуб тилларда, айниқса, типологик жиҳатдан бир-бирига яқин тилларда шахссиз гапларни қиёсий – типологик тадқиқ қилиш кўп жиҳатдан ўхшаш ҳолатларнинг мавжудлигидан далолат беради.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
Тилнинг грамматик қурилиши	5
Грамматик категория	15
Феъл	20
Феълнинг нисбат категорияси	30
Нисбат категорияси гапларда субъект-объект муносабатларини ифодаловчи асосий восита сифатида	48
Пассив конструкциялар типологияси	67
Пассив ва унинг синонимлари	73
Сўз туркумлари валентлиги	78
Шахсиз пассив	85
Хулоса	101

25000

Неъматулла Элмуродов
НИСБАТ КАТЕГОРИЯСИ
(Монография)

Мухаррир С.Каримова
Тех.муҳаррир:Х.Амирдинов
Мусаҳҳиҳ: З.Усманова

Босишга 03.XI.2015 йилда рухсат этилди.
Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆ .Офсет қоғози.Шартли босма табоғи 6,5.
Нашриёт ҳисоб табоғи 5,0. Адади 100 нусха. Буюртма №69.

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй.